БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши

№ 109 (1887)

3 июнь шанба 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

Илғор тажриба минбари

«ДАЛА МАЛИКАСИ»ДА ҲИСЛАТ КЎП ЭКАН

Силос — бу сут манбаи демакдир. Силоснинг мўл-кўллиги эса «дала маликаси»га боғлиқ. Бу ўсимлик қанчалик зўр парвариш билан ўстирилса, унга муҳаббат қўйилса, ўшанда маккажўхори ўз ҳислатларини яшармас экан, тонна-тонналаб энг тўйимли ва ширали озуқаларга эга қилар экан. Натижада чорвачилик тез ривожланиб, маҳсулдорлиги ошар экан. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Колхозимизда «дала маликаси»га нисбатан қизиқиш уйғонганга қадар сигирлардан жуда кам сут соғиб олинар эди. Сигирларимизнинг сони қанчалик кўп бўлмасин барибир сутнинг мўл-кўллиги таъмин бўлмас эди, бунинг устига маҳсулотнинг таннархи анча қимматга тушарди. Қачонки, колхозимизда маккажўхорига бўлган муносабат тубдан ўзгаргандан кейин, чорвачиликда жиддий силжиш бўлди, сигирлардан ҳар қачонгидан кўп сут соғиб олинабошланди. Шунингдек, маҳсулотнинг таннархи олдинги йилларга қараганда бирмунча арзонлашди.

Ҳаммадан муҳими шундаки, давлатга олдинги йилларга қараганда икки-уч баравар кўп гўшт топширилди, гўшт учун боқилган қўйларнинг ўртача тирик вазни 40—45 килограмм, қорамолларники эса 270—280 ҳатто 300 килограммдан ҳам ошиб кетди.

Ўтган йили ҳар гектар маккажўхоридан 800 центнердан кўкпоя ва 30 центнердан дон ҳосили олинган эди. Бундай қараганда бу кўрсаткич юқори туюлади. Аммо кўп йиллик тажриба, маккажўхорикорларнинг иш натижалари ҳали бу рекорд ҳосил эмас эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Ахир, бухоролик Очил Мўминовнинг, тошкентлик Ли Любовнинг қўлга киритган муваффақиятларини эндиликда ким билмайди, дейсиз. Улар ўтган йили «дала маликаси»ни сидқидилдан парваришлаб, рекорд ҳосили олишга эришишди ва бутун республикага донг таратишди. Биз ана шу ҳамкасбларимизнинг тажрибаларига амал қилиб, дастлабки муваффақиятларимизни мустаҳкамлашни ўзимизнинг шарафли бурчимиз, деб ҳис қилдик.

Бу йил ўтган йилгига нисбатан ҳосилдорликни бирмунча оширишга эришамиз, силос таннархининг янада арзон бўлиши учун курашамиз. Ўтган йили бир центнер силос етиштириш учун янги пул ҳисобида 4 сўм сарфлаган эдик. Бу йил ана шу кўрсаткични камида 1 сўмга камайтиришни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, гектаридан 1000 центнерга етказиб думбулсўта ҳолида силос бостирамиз. Ҳар бир гектар ердан олинадиган дон ҳосилини 50 центнерга етказамиз.

Кўриниб турибдики, эндиги мажбуриятимиз ҳар қачонгидан юксак. Ўз зиммамизга олган мажбуриятимизнинг бажарилиши, она-Ватанимизда сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, халқимизнинг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат-шижоат билан ишлашимиз керакligини тушунамиз. Шу сабабли ҳам «дала маликаси» парваришини эрта баҳорданоқ бошлаб юбордик. Бир неча йиллардан буён ташландиқ ҳолда ётган 15 гектар ерга ҳам биринчи марта уруғ экдик. Юқори агротехника қоидалари асосида ерга қадалган уруғлар тез кун ичида қуёш билан юз кўришди. Шу кеча-кундузда даламизга келиб кўрсангиз эди, ямяшил квадратларда барқ уриб ўсаётган маккажўхориларни кўриб хурсанд бўласиз.

Ўртоқ М. ПЎЛАТОВ

Ўтган йили шу кунлари маккажўхоримиз бир метрдан ошмас эди. Энди эса уларнинг кўпчилиги кокил таратди. Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Аввало шуни айтиш керакки, биз бу йил уруғликни сараладик. Кўп йиллик тажриба ва ҳамкасбларимизнинг фикри ВИР-156 сортли уруғнинг яхши натижа беражагини кўрсатган эди. Биз бунга амал қилиб, бу йил 60 гектар майдонга 60х60 схемасида шу сортли уруғни экканмиз.

Дўстларимизнинг қимматли маслаҳати ўз самарасини кўрсатганлигини алоҳида айтиб ўтмоқчимиз. Баҳор келиши билан механизаторимиз Эргаш Жалолов трактор рулини далага бурди, ер бағрини сифатли юмшатди. Уруғ ердан кўкарганда, у янада белини маҳкам боғлади. Ишга юракдан берилди, чарчаш нима эканлигини билмади.

Сувчимиз Тохир Нурматов ва Тўйчи Қобиловдан ниҳоят миннатдормиз. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан маккажўхорига сув таратдилар, унинг қониб сув ичишини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солдилар.

Шундай, бригадамизда олти киши бир ёқадан бош чиқариб ишлади. Ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиз ҳар бир туп ўсимликнинг соғлом ва бақувват ўсишини таъминлашга қаратилди. Шу сабабли ҳам эндиликда дўстларимиз, ҳамкасблар, ҳамқишлоқлар олдида очиқ юз билан мана бундай деймиз: меҳнатимиз зое кетмади, даламизга марҳамат қилинг, «дала маликаси»нинг кўкка бўй чўзиб кокил таратишини кўриб қувонасиз!

Мўмин МАМАТОВ,
Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози маккажўхоричилик бригадасининг бошлиғи.

ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИГА МЕҲНАТ СОВҒАМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ватанимиз меҳнаткашлари КПСС XXI съезди тарихий қарорларини бажара бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида экономикани, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Етти йилликнинг ўтган икки йили якунлари, совет фани ва техникасининг фазони забт қилишдан иборат энг буюк ғалабаси ана шу муваффақиятларнинг ажойиб далилидир.

Етти йилликнинг учинчи йилига, КПСС XXII съезди чақирiладиган шонли йилга қадам қўйган совет халқи мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги зафарларга эришиш учун курашаётир. Коммунистик партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси қизимоқда ва кенгаймоқда.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг кун сайин кўрсатаётган эътибори ва жуда катта ёрдами туфайли Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда зўр муваффақиятларга эришилди.

Бутун мамлакатдаги сингари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, республиканинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми тарихий қарорларини зўр қониқиш ва яқдиллик билан маъқулладилар ҳамда бу қарорларни куч ва ғайратга тўлиб-тошган ҳолда амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорида, Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг шу Пленумда ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг зонал кенгашларида сўзлаган нутқларида Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги секин ўсаётганлиги, чорвачиликнинг, сабзавот, мева ва узум етиштиришнинг етарли даражада ривожланмаётганлиги жуда ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтилди.

Республика колхоз ва совхозлари ана шу адолатли танқидни ҳисобга олиб, кенг колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг иштирокида илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятларни қайта кўриб чиқдилар ва пахта, дон, гўшт, сут, картошка, сабзавот ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тағин ҳам кўпроқ етиштиришнинг конкрет тадбирларини аниқлаб чиқдилар.

Қишлоқ хўжалигини яхши ривожлантирмасдан туриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтирмасдан туриб экономикани гуллатиб-яшнатиш мумкин эмас, бинобарин қишлоқ хўжалигини узлуксиз юксалтириш учун кураш — коммунистик жамият қуришнинг муҳим шартидир, буни чуқур ҳис қилган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш аҳолининг ўсиб бораётган талабларидан устун бўлиши учун КПСС Марказий Комитети январь Пленуми белгилаган улуғвор программани муваффақиятли бажариш йўлида куч-ғайратларини аямайдилар.

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш 1961 йилда ва бундан кейинги йилларда қуйидаги миқдорларга етказилади:

(Минг тонна ҳисобида)

Маҳсулотларнинг номи	1961 йилда		Яқин йиллар ичида	
	етиштирилади	сотилади	етиштирилади	сотилади
Пахта	3200	3200	3830	3830
Каноп-жут	220	220	245	245
Тамаки	4,5	4,5	5,0	5,0
Дон	737	130	1100	380
Сабзавот	639	220	920	425
Картошка	352	57	476	90
Полиз	589	105	743	150
Мева ва резавор	153	70	334	150
Узум	203	120	522	225
Пилла	14,66	14,66	17,6	17,6
Гўшт тирик вазнда	314	155	437	200
Гўшт сўйилган вазнда	185	—	258	—
Сут	979	315	1290	450
Жун	22,9	22	26,[illegible]	25,2
Тухум (миллион дона)	513	90	619	120
Қоракўл тери (минг дона)	1664	1664	2200	2100

Ўзбекистон пахтакорлари суғоришни ва янги ерларни ўзлаштиришни ривожлантиришда кўрсатилаётган қўшимча ёрдамга таяниб белгиланган планларни ортиғи билан бажариш ҳамда етиштириладиган ва сотиладиган пахта миқдорини яқин йиллар ичида 4 миллион тоннага етказиш учун курашадилар.

Республика областларида пахта етиштириш ва давлатга сотиш қуйидаги миқдорларга етказилади: 1961 йилда Тошкент областида 500 минг тоннага, Фарғона областида 450 минг тоннага, Андижон областида 750 минг тоннага, Самарқанд областида 402 минг тоннага, Бухоро областида 300 минг тоннага, Сурхондарё областида 400 минг тоннага, Хоразм областида 265 минг тоннага ва Қорақалпоғистон АССР да 250 минг тоннага; яқин йилларда эса Тошкент областида камида 560 минг тоннага, Фарғона областида 511 минг тоннага, Андижон областида 809 минг тоннага, Самарқанд областида 535 минг тоннага, Бухоро областида 340 минг тоннага, Сурхондарё областида 520 минг тоннага, Хоразм областида 280 минг тоннага ва Қорақалпоғистон АССРда 275 минг тоннага етказилади.

Ватанга тобора кўпроқ ва арзонюқори сифатли пахта етказиб бериш Ўзбекистон меҳнаткашларининг муқаддас вазифаси, интернационал бурчи, ўзбек халқининг улуғ Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар билан бузилмас дўстлигининг ифодасидир.

Пахта билан бедани алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, кам-ҳосилли ва қолоқ бригада, колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига етказиш, барча бригадаларда, колхозларда ва совхозларда ҳосилдорликни ошириш, сув ва ер ресурсларидан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш, кўчатларнинг белгиланган миқдордаги қалинлигини таъминлаш, экинларни намунали парвариш қилиш — пахта етиштиришни кўпайтиришдаги асосий резервларимиздир.

Бу йил мўл ҳосил учун курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сув ресурсларидан тўғри фойдаланишга боғлиқдир. Биз мавжуд сувдан рационал фойдаланиш ва қўшимча сув ресурсларини қидириб топиш, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, уста сувчилар тажрибасини кенг жорий қилиш учун барча чораларни кўрамиз.

Пахтачиликда техникани тараққий эгдириш пахтадан мўл ҳосил олиш ва унинг таннархини камайтиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бу йил 1260 минг гектар майдондаги ғўзани механизация билан икки томонлама парвариш қиламиз, камида 1060 минг гектар майдонда ғўзани кетмон ишлатмасдан парвариш қиламиз. Ҳосилни машинада териб олиш пахтачиликда техника тараққиётининг асосий босқичи эди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаберади. Биз бу йил камида 600 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз ва 1 миллион тоннага яқин пахтани қопқанорсиз ташиймиз. Комплекс механизациялаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши пахтачиликда меҳнат унумдорлигини кўтариш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Биз пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтиришдаги ҳамма ишимизда машъалларимиз — колхоз ва совхоз илғорларининг иш тажрибасини қўлланамиз.

Ўтган йил қийинчиликларига қарамай, Ленин, Наманган, Чинобод, Денов, Сариосиё, Жиззах, Янгиариқ, Қўшқўпир районлари ва бошқа районлар ҳар гектардан 29—30 центнердан ва ундан ҳам ошириб ҳосил олдилар, 80 дан ортиқ колхоз ва совхоз катта майдонларда гектар бошига 30—40 центнердан пахта ҳосили олди. Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхози (колхоз раиси Ўртоқ А. Мирзааҳмедов) 2623 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,8 центнердан, Избоскан районидаги Сталин номли колхоз (колхоз раиси Ўртоқ М. Суяров) 3070 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан, Қўрғонтепа районидаги «Совой» совхози (совхоз директори Ўртоқ У. Саримсоқов) 4417 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан, Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхози (совхоз директори Ўртоқ В. Т. Зиборов) 3127 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,6 центнердан, Янгиариқ районидаги Нариманов номли колхоз (колхоз раиси Ўртоқ И. Дўсов) 1925 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олдилар.

Техникадан ғоят унумли фойдаланган, меҳнатни яхши ташкил этган, дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказган юзлаб бригадалар гектар бошига 45—55 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ пахта ҳосили етиштирдилар ва териб олдилар. Фарғона областидаги Ленин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Умрзоқов бошлиқ комплекс механизация бригадаси ҳар гектардан 45 центнердан ошириб ҳосил олди.

Юзлаб механик-ҳайдовчилар пахта териш машиналаридан ғоят унумли фойдаланишга эришдилар ва мавсумда 110-150-200 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар.

Пахта далаларининг барча меҳнаткашлари республикадаги ана шу пешқадам хўжаликларга, донгдор пахтакорлар, механизаторларга тенглашишга ҳаракат қилиб, комплекс механизациялаш, пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва етиштирилаётган пахта таннархини камайтириш негизида мўл ҳосил олишнинг янги марраларига эришмоқ учун курашаётирлар.

Биз пахтачиликни янада ривожлантириш билан бир қаторда, ғўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев қишлоқ хўжалик илғорларининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида сўзлаган нутқида пахтакор хўжаликларда ва республикаларда чорва маҳсулотлари етиштиришни ўстириш учун катта резервлар борлигини кўрсатиб берди.

Ватанга мўл-кўл пахта ва ғўшт етказиб бериш — ватанпарварлик бурчимиздир!

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни бутун чоралар билан кўпайтира бориб, айни вақтда моллар санининг зарур даражада ўсишини ҳам таъминлайдилар. 1961 йилда республика колхоз ва совхозларида 128 минг тонна ғўшт ва 418 минг тонна сут етиштирилади.

Республика областларида хўжаликларнинг барча категориялари бўйича ғўшт ва сут етиштириш қуйидаги миқдорларга етказилади:

(Минг тонна ҳисобида)

Областлар	1961 йилда		Яқин йиллар ичида	
	ғўшт-сўйилган вазнда	сут	ғўшт-сўйилган вазнда	сут
Тошкент	28,7	195	38,7	245
Фарғона	19,7	118	23,3	156
Андижон	22,2	130	30	169
Самарқанд	33,6	171	52	216
Бухоро	23	90	33	120
Сурхондарё	37,7	136	48,6	178
Хоразм	8,4	63	11,1	84
Қорақалпоғистон АССР	13,9	80	21,7	122

Шу билан бирга, шу йил охиргача хўжаликларнинг ҳамма категорияларида қорамоллар сони кўпайтирилиб, 2231 минг бошга, шу жумладан сигирлар сони 926 минг бошга, колхоз ва совхозларда эса қорамоллар сони 1216 минг бошга, шу жумладан сигирлар сони 400 минг бошга етказилади. Хўжаликларнинг ҳамма категорияларида қўй ва эчкилар сони 9030 минг бошга, колхоз ва совхозларда эса 7985 минг бошга етказилади. Хўжаликларнинг ҳамма категорияларида чўчқалар сони 400 минг бошга, паррандалар 7580 минг бошга етказилади. Шундан кейинги йилларда қорамоллар сони 2630 минг бошга, сигирлар сони 1062 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 11314 минг бошга, чўчқалар сони 468 минг бошга ва паррандалар эса 9032 минг бошга етказилади.

Республика областларида қорамоллар, сигирлар, қўй ва эчкилар сони қуйидаги миқдорларга етказилади:

(Минг бош)

Областлар	1961 йилда			Яқин йиллар ичида		
	қорамоллар	шу жумладан сигирлар	қўй ва эчкилар	қорамоллар	шу жумладан сигирлар	қўй ва эчкилар
Тошкент	288	133	610	351	157	683
Фарғона	248	102	386	308	108	396
Андижон	262	112	531	316	124	564
Самарқанд	433	174	2095	461	198	2776
Бухоро	228	87	2253	264	96	3000
Сурхондарё	357	155	2349	422	184	2750
Хоразм	181	69	222	208	80	273
Қорақалпоғистон АССР	232	95	583	300	115	870

Хўжаликлардаги молларни урчитиб кўпайтириш соҳасида аҳволни яхшилаш учун барча чораларни кўрамиз, қисир қолиш ва ўлиш орқасида молларнинг нобуд бўлишини гамомила йўқотамиз, чорвачиликдаги нобудгарчиликка давлат ва колхозларга катта зарар етказадиган хўжасизлик кўринишидир, деб баҳо берамиз.

Давлатга фақат ўртадан семиз ва семиз бўлган тарози босадиган мол соғиш учун молларни йил бўйи боқиб, ўтлатиб семиртирамиз ва ёш молларни етилгунча боқамиз. Чўчқачилик ва паррандачилик ҳар йилнинг ўзидаёқ ғўштни кўпайтиришнинг катта резервидир. Шунинг учун чорвачиликнинг бу тез етиладиган соҳаларини бундан кейин ҳам бутун чоралар билан ривожлантирамиз.

Сигирларни боғламасдан боқишни, соғишни механизациялаш-ни кенгайтирамиз, ем-хашак тайёрлаш ва уни молларга солишни ҳамда фермалардаги молларни суғориш ва шунга ўхшаш сермеҳнат ишларни механизациялашни кенг жорий қиламиз; чўчқаларни йирик-йирик группаларга ажратиб боқиб, семиртиришда ва эркин боқишда юксак натижаларга эришган илғор чорвадорларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштирамиз.

Наслчилик ишини кескин даражада яхшиламиз, сунъий қочириш ва СЖКнинг кенг қўлланилишига, совлиқлардан қўзи олиш муддатини қисқартиришга ва барвақт — эрта баҳорда қўзи олишга эришамиз ҳамда молларни урчитиб кўпайтириш, боқиш ва асрашдаги бошқа прогрессив усулларни қўлланамиз.

Республикада чорвачиликнинг минглаб илғорлари ўсиб етишди, улар молларнинг сонини ўстириш, маҳсулдорликни ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Ўзларига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан 5—6 минг килограмм ва ундан ҳам ортиқ сут соғиб олган сут соғувчилар: Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозидан Б. Исҳоқова, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан Р. Квон ва бошқа кўпгина сут соғувчиларнинг номи ҳаммага маълум. Чорвачилик институтининг сут соғувчиси Ўртоқ Анастасия Чудная ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди. У, етти йиллликнинг учинчи йилида ўзига биркитилган 157 сигирдан 650 тонна сут соғиб бериш мажбуриятини олди.

Қўйчилик илғорлари — Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхозидан чўпон А. Эштоев, Томди районидаги «Оқтов» колхозидан икки марта Социалистик Меҳнат қаҳрамони Ж. Балимонов ва бошқа кўпгина чўпонларнинг номи зўр ҳурмат билан тилга олинади. Улар ўзларига биркитилган ҳар юз совлиқдан 135—180 тадан ва ундан ҳам ошириб қўзи олдилар ва сақлаб қолдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг табрик хатида атоқли чўчқабоқар Ж. Султоновнинг ишига юксак баҳо берилганлиги республика чўчқабоқарларини ниҳоятда руҳлантириб юборди. Кўпгина чўчқабоқарлар бир йилда 1000—1500 бош ва бундан ҳам кўпроқ чўчқани боқиб семиртиришдек оширилган мажбуриятлар олдилар.

Чорвачилик юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши даставвал ҳар бир колхоз ва совхозда мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилишига боғлиқдир.

«Политотдел» колхози (колхоз раиси Ўртоқ М. Г. Хван) суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиб, пахтани ҳам, луб экинларини ҳам, маккажўхорини ҳам меҳр билан парвариш қилиб, ҳар гектар майдондан думбул сўтаси билан 1850 центнердан силосбоп кўкпоя етиштирган ҳолда 1960 йилда маккажўхоридан рекорд ҳосил олишга эришди ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Бу колхоз ҳаммамизга ажойиб ибрат кўрсатмоқда.

Маккажўхори — энг яхши озуқабоп экиндир. «Политотдел» колхози ва бошқа илғор хўжаликларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, биз бу йил гектаридан думбул сўтаси билан 500-700-1000 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ силосбоп кўкпоя ҳамда 40-50-60 центнердан дон олиш учун республика маккажўхорикорларининг мусобақасини кенг қизитамиз. Суғориладиган катта ер майдонларида маккажўхори ва жўхоридан йилига икки марта ҳосил олишга ҳамда ўзимизни аъло навли гибрид уруғлар билан таъминлашга эришамиз.

Биз беданинг оқсилга бой қимматли озуқа эканлигига ҳамда алмашлаб экишда пахтанинг энг яхши шериги эканлигига муҳим аҳамият бериб, бу йил беда экиш планини тўла бажариш, бедани яхши парвариш қилиш йўли билан камида 4—5 марта ўриб олиш мажбуриятини оламиз. Табиий ўтларни ўз вақтида ўриб оламиз ва силос бостиришни ўз вақтида ўтказамиз.

Бу йил камида 5,5 миллион тонна силос бостирамиз, камида 4,5 миллион тонна дағал хашак тайёрлаймиз, жамоат чорва моллариги етарли миқдорда концентрат озуқалар билан таъминлаймиз.

Аҳолининг сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун астойдил курашамиз. Мош, нўхат ва бошқа шу каби дуккакли экинлар экишни бутун чоралар билан кўпайтирамиз. Янги боғ ва токзорлар яратиш планини ошириб бажарамиз. Бунинг учун ладмикор ерлардан, шартли суғориладиган ерлардан ва тоғ этакларидаги районларидан фойдаланамиз.

Суғориладиган ерлар — колхоз ва совхозларнинг катта бойлиги. Ана шу ерлардан ўринсиз, хўжасизларча фойдаланиш юлларини бутунлай тугатиш зарур. Ҳар бир колхоз ва совхоз ўзига бириктириб қўйилган ерлардан тўла ва юқори унумли фойдаланиш чораларини кўради. Сув хўжалиги қурилиши планини сўзсиз бажаришга бутун кучимизни сарфлаймиз ва бу йил камида 80 минг гектар суғориладиган янги ерни экинзорга айлантирамиз, суғориладиган ерларкинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини давом эттирамиз.

Юқори ҳосил олишганлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги оширилганлиги учун ҳамма жойда қўшимча ҳақ тўлашни қўллаймиз, маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун курашни кучайтирамиз.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида комплекс механизациялашни тугаллаш ва илғор технологияни жорий этиш чораларини кўрамиз. Республика колхоз ва совхозларини электрлаштириш соҳасидаги ишларни кучайтирамиз.

Колхозларнинг бўлинмас фондларидан унумлироқ фойдаланиш, қурилиш, электрлаштириш ишларини кенг авж олдириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, молларни ва паррандаларни семиртириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш юзасидан колхозлараро корхоналарни вужудга келтириш соҳасидаги ишларни давом эттирамиз.

* * *

Биз пахта, ғўшт, сут, узум, мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун қардошларимиз — Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон пахтакорлари билан бўлган традицион социалистик мусобақани давом эттирамиз.

Биз барча колхозчиларни, совхозлар ва РТС ларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларини, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларини олинган мажбуриятларни бажариш учун КПСС XXII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашишга чақирамиз.

Биз жонажон Коммунистик партияни ва Совет ҳукуматимизни ишонтириб айтамизки, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлаймиз ва пахтачиликни, чорвачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш соҳасидаги мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз.

(МАЖБУРИЯТЛАР КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ИЙҒИЛИШЛАРИДА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ РАЙОН ВА ОБЛАСТЬ КЕНГАШЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VI ПЛЕНУМИДА МАЪҚУЛЛАНГАН).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг Чехословакияда бўлиши

ПРАГА, 1 июнь. (ТАСС). 1 июнь, пайшанба куни Ўртоқ Н. С. Хрушчев, Ўртоқ А. Новотний ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳамда Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг бошқа раҳбар намояндалари ўртасида суҳбат бўлди. Ҳозирги замоннинг ғоят муҳим масалалари тилга олиб ўтилган бу суҳбат ғоят дўстона ва самимий вазиятда ўтди ҳамда чехословак-совет дўстлигининг бузилмаслигини ва муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан қарашларнинг тамомила бир хилда эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Суҳбатдан сўнг Ўртоқ А. Новотний Ўртоқ Н. С. Хрушчев ва унга ҳамроҳ бўлган ўртоқлар шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раҳбар намояндалари, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва Словакия Миллат кенгаши президиумининг аъзолари ҳам ҳозир бўлдилар. Зиёфат вақтида А. Новотний ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

СОВЕТ-СОМАЛИ БИТИМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Муваффақиятли ўтказилган музокаралар натижасида 2 июнда Кремлда Совет Иттифоқи билан Сомали Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида, савдо-сотиқ тўғрисида, шунингдек маданий ҳамкорлик ҳақида битимлар имзоланди.

(ТАСС).

Сомали Республикасининг бош министри Абдирашид Али Шермарк Москвадан жўнаб кетди

Расмий визит билан СССР да меҳмон бўлиб турган Сомали Республикаси бош министри Абдирашид Али Шермарк 2 июнда «ИЛ-18» махсус самолетида Москвадан Прагага жўнаб кетди. У билан бирга Сомали ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳам жўнаб кетдилар.

Внуково аэродромида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва А. А. Шермарк дўстона нутқ сўзладилар. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети атоқли давлат арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетининг раиси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Михаил Васильевич **Хрущевнинг** 1961 йил 2 июнда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТ НОВАТОР

Нуриддиннинг кўнгилга туккани кимайди, деб сўрашингиз мумкин. У заводда ишлашни орзу қиларди. Ҳа, заводга оддий ишчи бўлиб киришни чиндан ният қилиб қўйган эди. Хўш, натижа нима бўлди? Айтганини қилди. Ўрта мактабни битиргач, сира иккиланмай заводга ишга жойлашиб олди.

Илгари Нуриддинни кўплар танимас эди. Ҳозирчи? Ҳозир заводда уни танимайдиган одам йўқ деса бўлади. Ишчилар унинг номини ҳурмат билан тилга олишади, унинг тўғрисида сўз борганда фахрланиб гапиришади.

Шунча иззат-ҳурмат, шундай обрўга Нуриддин ўзининг ҳалол меҳнати, яхши ҳулқ-атвори туфайли сазовор бўлди. Ҳаракатчанлиги, ҳар бир ишни жон-дили билан бажариши, камтаринлиги, дўстларига бўлган меҳр-муҳаббат Нуриддинга катта истиқбол йўлини очиб берди. Авваллари автотрактор запас қисмларини йиғувчи оддий слесарь бўлиб ишлаб келган Нуриддин Хайриддинов қисқа вақт ичида цехнинг бош мастери даражасига кўтарилди. Энди у ўзининг ишга бўлган масъулияти ошганлигини тўла ҳис қила бошлади.

Ўртоқ Хайриддинов бошлиқ бригада ойлик ва йиллик планларни мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келаётир. Ўз нормасини 130-140 процент қилиб адо этаётган И. Фемушкин, С. Артамонов ва Ф. Машун каби ўнлаб фидокор ишчилар бригаданинг кўрсаткичларини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Тўғри, илгари Нуриддин фақат ўз шахсий режалари, ўзининг иш кўрсаткичлари тўғрисида кўпроқ қайғирарди. Энди бўлса бу камлик қилиб қолди. У бутун бир цех тўғрисида, бригадасига қарашли ишчилар ҳақида, уларнинг меҳнат натижалари тўғрисида кўпроқ бош қотира бошлади. Цехда қилинадиган ишлар шунчалик кўпки, ҳатто Нуриддиннинг бош қашишга ҳам баъзан вақти бўлмай қолади. Лекин у меҳнат қилиб чарчамайди.

Коммунист Нуриддин Хайриддинов ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар билангина кифояланиб қоладиган кишилардан эмас. У доим ниманидир ўйлар, нимадандир кўнгли таскин топмаётгандай бўлади. Ундаги ўйлаган ўйини охирига етказиш, ўшанинг уддасидан чиқиш хусусияти кўпинча қувончли натижаларга олиб келмай қолмайди.

Бир куни Нуриддин журнал варақлаб ўтириб ҳаёл суриб қолди. Журналда Горький шаҳридаги Муравьев номли заводда «ЗАСФТ» маркали янги машина ишлаб чиқарилаётгани тўғрисида ёзилган эди. «Шу машинани биз ҳам ишлаб чиқарсак қандай бўларкин? Уни ишлаб чиқаришни ўзлаштира оларминкимиз?»— бу фикрлар Нуриддиннинг ҳаёлини чулғаб олган эди. Охири у қатъий бир қарорга келди: одам қилган ишни одам қила олмайдими? Ишга астойдил киришсак, уддасидан чиқамиз, албатта. Ҳамма гап истакда қолган, холос.

Нуриддин ўз фикрини аввал бригада ишчиларига айтди, сўнгра завод раҳбарларига етказди. Улар меҳнатсевар, ғайратли йигитнинг бу фикрини бир оғиздан маъқуллашди. Шундан сўнг жадал ишга киришиб кетишди ва тезда янги машина ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштириб олдилар. Бу — уларнинг катта ютуғи эди.

...Тун. Вақт алламаҳалга борган бўлса ҳам, Нуриддин ўтирган уйда электр нури порлаб турибди. Ҳаммаёқ жимжит... Нуриддин стол устидаги китобларни бир чеккага йиғиштирди-да, деразани очиб юборди. Уйга соф ҳаво кирди. Нуриддин тўйиб-тўйиб нафас оларкан, сира уйқуси келмасди. Унинг ҳаёли янги фикрлар билан банд. Цех ишчиларининг тўрт бригадага бўлиниб ишлаётгани уни сира тинч қўймасди. Ҳар бир бригада мустақил ишлайди, бири иккинчисининг иши учун жавобгар эмас. Бу, умумий иш сифатини пасайтираяпти. «Муштни бир ерга уриш керак»— дилидан ўтказди Нуриддин. Агар цехдаги 28 ишчи битта бригадага бирлаштирилса, улар бир ёқадан бош чиқариб ишлайди, бракка ва сифатсиз ишга йўл қўйилмайди. Чунки, уларнинг умумий мақсади энди битта бўлади — ҳар бир ишчи аввало бригада шон-шуҳрати учун, бригада кўрсаткичларини яхшилаш учун курашади. Бу, албатта, ўз самарасини беради.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Доимо янгилик изловчи, жонкуяр коммунист Н. Хайриддиновнинг таклифи ерда қолмади. Завод раҳбарлари бу фикрни табриклашди. Натижа чакки бўлгани йўқ. Бригадалар бирлаштирилгач, иш жадал юришиб кетди. Илгари ҳар ойда 10 та, узоғи билан 15 та галла тозалаш машинаси қисмлари йиғилар эди. Бригадалар бирлаштирилганидан кейин эса ишчилар 35 тага етказиб машина йиғадиган бўлиб қолишди. Бу нарса, биринчидан, иш процессини уч баравар тезлаштиришга ва, иккинчидан эса, ҳар ойда давлатнинг 4 минг сўм маблағини тежаб қолишга имкон берди. Яна қувончлиси шундаки, цех коллективи ишлаб чиқариш планини мунтазам равишда 150 процентга етказиб бажармоқда.

Цехда орқада қолаётган ишчиларни илғорлар даражасига кўтариш соҳасида ҳам ўртоқ Н. Хайриддинов кўп ишлар қилди. Даставвал у бундай ишчилар билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коллектив иши учун курашиш, масъулиятни ҳис қилиш тўғрисида суҳбатлар ўтказди. Натижада илгари цех кўрсаткичларини орқага судраётган А. Гончаров ва В. Саидибрагимова сингари ишчиларнинг меҳнат фаолиятида кескин бурилиш ясалди. Бу ишчилар ҳозир ишлаб чиқаришда пешқадамлар сафига ўтиб олишган. Улар кундалик топшириқларини 130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Ўртоқ Хайриддинов ўзининг билим доирасини кенгайтириш устида ҳам қунт билан ишлаётир. У завод ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетини муваффақиятли равишда битириб чиқди. Завод партия ташкилоти Н. Хайриддиновни цехга агитатор қилиб тайинлади. Кутилганидек у ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни жонлантириб юборди. Коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгаши материаллари, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорлари, етти йилликда завод коллективи олдида турган вазифалар тўғрисида жонли суҳбатлар ўтказди.

«Ташавтомаш» заводининг коммунист Н. Хайриддинов бошлиқ слесарлик-йиғув цехи коллективи партиямизнинг XXII съезди шарафига йиллик планни съезд очиладиган кунгача бажаришга сўз берган. Сўзи билан иши бир, аҳил коллективнинг ўз ваъдасига вафо қилиб, ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришувига ишонса бўлади. Чунки улар шу кунларда июнь ойининг сўнгги кунлари ҳисобига ишламоқдалар.

У. НИЁЗОВ.

Чиланзор массивида ўз қоматини кўз-кўз қилиб кўкка бўй чўзиб турган муҳташам ва кўркам бинолар сони тобора кўпайиб бормоқда. Суратда: йирик панеллардан монтаж қилинган янги турар-жой бинолариннинг умумий кўриниши.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ КАСБ ЭГАЛАРИ

«Узбексельмаш» заводи ҳузуридаги техникумнинг кечки филиалини яқинда 26 киши тамомлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, янги касб эгаллаганлар орасида қуюв цехининг слесари А. Подчибякин, эксперименталь участка слесари В. Давидов, механика-йиғув цехининг токари В. Бекетов, ОТК ходими А. Межмединова, 9-цех мастери Д. Мухиддинов ва бошқа ўртоқлар бор. Улар металлни совуқ ҳолда ишлаш соҳаси бўйича техник-технолог бўлиб етишдилар.

ҲУРМАТ ҚОЗОНГАН АГИТАТОР

Тушки пайт. Троицкий посёлкаси марказидаги қизил чойхона ишчилар, пенсионерлар ва қариялар билан гавжум. Бу ерга кундагидек кўлида бир даста газета кўтарган Зубайдулла Тошматов кириб келди. Ҳамма уни азиз меҳмондек эўр ҳурмат билан қарши олди. Зубайдулла бир кунлик янгиликларни газета материаллари асосида ўтирганларга бирма-бир гапириб берди.

З. Тошматов Чирчиқ ошхона ва ресторанлар трестининг Тошкентдаги 2-чойхонасида ишлайди. Шу билан бирга агитаторликни ҳам жон-дили билан севади. У бирнеча йиллардан бери агитаторлик қилади. Унинг бу кўп йиллик самарали меҳнати туфайли тингловчилар «ҳурматли агитаторимиз» дейишади.

Т. ЎРУНОВ.

Редакцияга келган хатлардан

Мужмал жавоблар

Камқувват ва қолоқ колхозлар базасида ташкил топган «Ховос» совхози эндиликда кўп тармоқли йирик хўжаликка айланган. Ҳозир совхознинг 5 та бўлими бўлиб, улар 30 дан ортиқ қишлоқни ўз ичига олади.

Хўжаликнинг юксала бориши ва бадавлат бўлиши кўп жиҳатдан ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга ҳам боғлиқдир. Совхозимизда меҳнаткашларнинг маданий дам олиши учун ҳамма имкониятлар бордир, деб ўйларсиз. Афсуски, шундай эмас.

Совхоз ташкил этилганига 4 йилдан кўпроқ вақт ўтиптию, лекин ҳамон бундай кўнгил ёзиб дам оладиган тузукроқ клуб уёқда турсин, ҳатто оддий кинотеатр ҳам йўқ. Шундай бўлгач, меҳнаткашларнинг намунали маданий дам олишлари тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Тўғриси, маданият ўчоқлари учун алоҳида бинолар қурилмаган.

Бу ҳақда жуда кўп гап-сўз бўлди. Лекин меҳнаткашлар томонидан билдирилаётган ҳақли эътирозлар ҳамон инобатга олинмаётир. Область қишлоқ қурилиш трестига учрашилса, трест раҳбарлари бу шикоятни район ижроия комитетига маълум қилишга маслаҳат берадилар. Бу ердан ҳам доим мужмал жавоб олинади. Қисқаси, бинолар қуриш ҳақида бир қарорга келинмаяпти.

Совхоз ишчилари учун клуб ва кинотеатр қачон қуриларкин?

Ю. ИСЛОМОВ,
Янгиер районидаги «Ховос» совхозининг директори.

Меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатайлик

Чирчиқ меҳнаткашлари ўз шаҳарларининг коммунистик меҳнат ва юксак маданиятли шаҳар номини олиши учун курашмоқдалар. Бу курашга саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларининг коллективлари билан бир каторда савдо ҳамда умумий овқатланиш муассасаларининг ходимлари ҳам қўшилганлар. Улар шаҳар меҳнаткашларига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйишлари, савдо маданиятини тинмай оширишлари, харидорлар ва хўрандаларнинг талабини яхшироқ қондиришлари керак. Айни вақтда ўзларининг билим ва малакаларини такомиллаштиришлари зарур. Савдо ва умумий овқатланиш муассасаларининг коллективлари ҳамда айрим ходимларидан коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олишга сазовор бўлиш учун асосан шулар талаб қилинади.

Хўш, улар бунга эришиш учун нималар қилмоқдалар? «Чирчиқторг» ва умумий овқатланиш трестининг коллективлари савдо оборотининг планини муваффақиятли адо этмоқдалар. Савдонинг илғор усуллари жорий этилаяпти. Бир қатор магазинларда молнинг хилини кўрсатиб қўйиб, сотувчисиз савдо қилинаяпти. Барча ошхона ва чойхоналарда хўрандалар ўзига-ўзи хизмат қилаётир. Ошхоналардаги столларга олдиндан таомларни ҳозирлаб қўйиш ва хўранда овқатланганч, ҳисоб-китоб қилиш кенг равишда тажриба қилиб кўрилаяпти. Тўртта магазин коллективига коммунистик меҳнат коллективи номи берилди.

Бироқ, умуман шаҳар аҳолисига савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи талабга тўла жавоб бермайди. Ҳануз совет савдоси қоиларига хилоф иш қилиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бу, савдо ва умумий овқатланиш ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар қониқарсиз олиб борилаётганлигининг далилидир.

Ходимларнинг билимини ошириш яхши йўлга қўйилмаган. Фақат «Чирчиқторг» системасида ишлаётган мингга яқин ходимнинг, техника минимуми машғулотларида қатнашаётганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, учдан бир қисмидан озрағигина қўяяпти.

Шаҳардаги 20-магазин, 6-ошхона ва бошқа айрим савдо ҳамда умумий овқатланиш муассасаларининг коллективлари, айрим ходимлар ишни яхши йўлга қўйиб, бошқаларга намуна бўлаяптилар. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олган ўртоқ Шютченко мудир бўлган магазин, ўртоқ Самойленко шефповар бўлган ошхона ходимлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Аммо партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари уларнинг тажрибасини оммалаштириш, коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари сафини кенгайтириш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар.

Шаҳар савдо ходимларининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида шулар ҳақида гапирилди. Савдо ва умумий овқатланиш муассасаларининг раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча ходимлардан коммунистик меҳнат ва юксак маданиятли шаҳар деган номни олиш учун курашга муносиб ҳисса қўшиш талаб этилди.

В. ПРИШЧЕПА.

ТИРГОВИЧЛАР ҚАЧОН ОЛИНАДИ?

Чиноз районидаги «XXI партсъезд колхози ихтиёридаги 7 та «ДТ-14» маркали трактор сотиб олинганига роса 4 йил бўлди. Бу тракторлар биринчи келтирилган йили кўнгилдагидек ишлади. Бироқ, келгуси йили колхозчилар уларни ҳар жой-ҳар жойда гилдираклари олинган, тирговичларга суянган ҳолда кўрдилар.

Хўш, нега бундай, деб савол берарсиз. Шунинг учунки, бу колхозда тракторларни тузатиш, уларга запас қисмларни топиб ўрнатиш ишига жон қуйдирадиган бирорта ҳам раҳбар топилмайди. Колхоз раҳбарлари бундай аҳволни кўрсалар ҳам, ўзларини кўрмасликка солиб келмоқдалар. Колхоз инженери Қўлдош Йўлдошев пешонасига «техника ёрдами» деб ёзиб қўйилган машинани у учаскадан—бу участкага чангитиб юргизаверади-ю, тракторлар ремонтига дурустроқ нафи тегадиган бирор кўзга кўринарли иш қилмайди. У шу пайтгача «ДТ-14» тракторларини ремонт қилиб ишга солиш ҳақида ҳатто ўйлаб кўргани ҳам йўқ. Механик Розиқ Муртозов эса инженернинг босган изидан нарига ўтмаётир.

Колхозчилар хўжалик устахонасининг бошлиғи М. Холиқовнинг қилмишларидан қаттиқ ранжияптилар. Чунки, бу киши тракторларни ремонт қилиш ўрнига бунинг аксини қилаётир. У тракторларнинг олдинги гилдиракларидаги баллонларни суғуриб олиб, ўзининг «Москвич»ига ўрнатиб олган.

Колхоз раҳбарлари дала ишларига маълум даражада путур етказаётган бундай аянчли аҳволга тезда чек қўйишлари зарур.

У. ТУРСУНБОЕВ.

ИЗОҲЛИ ХАТ

ОҚСАЁТГАН ҚУРИЛИШЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги раҳбарлари диққатига

Ҳурматли редакция! Тошкентнинг энг гўзал ҳиёбонларидан бири — Революция скверида қурилаётган «Ўзбекистон» кафе-ошхонаси шу йилнинг апрель ойида фойдаланишга топширилиши лозим эди. Бироқ, аввалига зўр дабдаба билан бошланган қурилиш ишларининг суръати кўп ўтмай аста-секин сусая борди. Кафе-ошхона биноси белгиланган муддатда қуриб битказилмади.

Қурилиш материалларининг, айниқса тахта, ғишт, цемент, темир-бетон деталларининг объектга ўз вақтида етказиб берилмаётгани ишимизнинг белига тепаётир. Шунингдек, оғир иш процессларининг кўп қисми қўл кучи билан бажарилмоқда. Бу процессларни механизациялаш раҳбарларнинг эснига келмаяпти.

Объект қурилиши бошланганига бир ярим йилча вақт бўлди. Бироқ, шу давр ичида қилиниши лозим бўлган ишнинг ярмиси ҳам амалга оширилганича йўқ.

Агар қурилиш ишлари шундай секин борадиган бўлса, объектни битказиш учун камида яна 2-3 йил керак бўлади. Аммо, республика Савдо министрлигидаги раҳбар ўртоқлар қурилиш суръатини тезлаштириб юориш ҳақида қайғирмаётирлар. Бу эса, биринчи навбатда, бизни — ана шу объектда ишлаётган бинокорларни ташвишга солмоқда.

Ж. ШАМШИМЕТОВ,
Н. ЛУКАШЕВ,
«Узторгстроймонтаж» трестига карашли 1-СМУ ишчилари.

— Мана шу темир-бетон деталларини, — деди ўртоқ Ж. Шамшиметов, — ёлланган кран ёрдамида ўрнатдик.

Республика Савдо министрлигининг «Узторгстроймонтаж» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бу бинони қуришга 1960 йилнинг январь ойидан бошлаб киришган эди. Мана, кафе-ошхона ишга тушиши белгиланган муддатдан бир ой ўтиб кетди. Аммо ҳанузгача қурилиш ишларининг ярмиси ҳам бажарилмаган. Сметада кўрсатилишича, бу объект қурилишида 220 минг сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш лозим. Бироқ, эндигина 60 минг сўмлик иш қилинди, холос.

Бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб бериш, механизация воситаларидан фойдаланиш бирғина шу участкада эмас, балки бошқарма (бошлиғи ўртоқ А. Дехтарев) бўйича қониқарсиз аҳволда. Цемент, ғишт, темир-бетон плиталар, ёғоч ва арматуралар объектларга белгиланган муддатда зарур миқдорда етказиб берилмайди. Бинокорлар ана шундай материаллар йўқлиги туфайли кўпинча бўш қолмоқдалар. Бунинг устига, бошқармадаги мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланилмаётир, айримлари очиқ ҳавода ишдан чиқиш олдида турибди. Масалан, бундан уч ой илгари келтирилган юк кўтариш крани бошқарма эшиги олдида занглаб ётибди. Ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаётир. Механизацияга бундай нотўғри муносабат қурилиш-монтаж ишларининг қимматга тушишига сабаб бўлмоқда. Фақатгина «Ўзбекистон» кафе-ошхонаси биносининг пойдевори учун котлован қазишга сметада кўрсатилганидан бир неча минг сўм кўп маблағ сарфланган.

Бошқарманинг барча объектлари қурилишида ҳам аҳвол ана шундай. «Динамо» стадиони яқинида қурилаётган юз ўринли кафе-ошхона ҳамда Шота Руставели кўчасидаги савдо техникумининг ётоқхонаси муддати аллақачонлар ўтиб кетган бўлса ҳам фойдаланишга топширилмаган.

Республика Савдо министрлигининг «Узгипроторг» лойиҳалаш ташкилоти томонидан айрим объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўпгина камчиликлар бор. «Ўзбекистон» кафе-ошхонасининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳалигача тўла тайёрлаб берилмаган. «Динамо» стадиони олдида қурилаётган кафе-ошхонани лойиҳалашда эса жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Жумладан, миллий таомлар тайёрлаш ҳонаси ҳамда омбор қуриш кўзда тутилмаган. Бино қурилиши бошлаб юборилганидан кейин лойиҳага кўпгина ўзгартиришлар киритилиб, уни қайтадан ишлаб чиқишга тўғри келди.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг паст бўлишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бошқарма бу йил биринчи квартал планини 63,9 процентгина бажарган, холос.

«Узторгстроймонтаж» трестининг бирғина бошқармасидаги аҳвол ана шундай экан, республикамизнинг область ва шаҳарларида қурилиш ишлари олиб борилаётган бошқармаларида ҳам ишнинг мазаси йўқ. Давлат планлари мунтазам бажарилмайди.

Трест анчадан бери мавжуд. Бироқ, унинг иш фаслиятида кўпгина нуқсонлар бор. Қурилиш-монтаж ишлари қўл кучи билан, алмисоқдан қолган усуллар билан бажарилмоқда. Натижада қурилиш таннарҳи анча қимматга тушмоқда, объектлар белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаётир.

Қурилиш ишларида тайёр блок ва конструкциялардан фойдаланиш тобора авж олаётир. Кўпгина қурилиш ташкилотлари катта-катта биноларни бир ойда, ҳатто ундан ҳам камроқ вақт ичида қуриб битказмоқдалар. Бу биринчи навбатда илғор иш методларини қўллаш, механизациялаш кенг фойдаланиш самарасидир. Бироқ, «Узторгстроймонтаж» ҳозирги замон талабларидан орқада қолмоқда. Шунинг учун ҳам трест ончалик катта бўлмаган биноларни 2—3 йил давомида зўрға қурмоқда.

Республика Савдо министрлиги раҳбарлари қурилиш трестининг шундай қониқарсиз ишидан хабардорлар, албатта. Аммо трест йўл қўяётган камчиликларни бартараф қилиш, уни лозим бўлган барча бинокорлик механизмлари, қурилиш материаллари билан таъминлашга эътиборсиз қараб келаётганликлари кишини таажжублантиради, холос.

Т. МИРҲОДИЕВ.

Пахтакорлар билан ҳамкорликда

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ядро физикаси институти коллективи бу йил пахтакорларга яқинган ёрдам беряпти. Яқинда институтнинг юздан ортиқ ишчи ва хизматчиси В. А. Мўминов бошчилигида Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозининг пахтакорлари ҳузурида бўлишди.

Ёрдамчилар колхознинг 8, 9-бригадаларида уч кун бўлиб, бригада аъзоларига ғўзани ягана қилишда, пахта майдонларидаги ёввойи ўтларни йўқотишда ёрдам бердилар. Институтнинг айниқса И. Дружинин, К. Муродов, Ў. Жумақулов ўртоқлар каби ходимларининг кўрсатган ёрдамларидан бригада аъзолари беҳад мамнун бўлдилар.

Ҳ. АБДУРАЗЗОҚОВ,
И. РУСТАМОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

„ТАНҚИД ЁРДАМ ҚИЛДИ“

Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз клубини бориб кўрмоқчи бўлсангиз, адресини сўраб юрманг, уни топиш жуда ўнғай. Чунки бу бино ўзининг харобалиги билан қишлоғимиздаги ҳамма бинолардан ажралиб туради. Уни ташландиқ бино деб ҳам ўйламанг, чунки бу ерда ҳар замонда бир йиғилиш ёки кино бўлиб туради.

Клуб ремонт қилинмаган. Деразаларига фанер қоқиб қўйиб, Редакциямизга келган хатларнинг бирида шулар ҳақида ёзилган эди.

Бўстонлиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Асилбеков редакциянинг текшириш ва чора кўриш учун юборган бу хатига қуйидаги жавобни берди: «Хат Карл Маркс номли колхоз правлениеси ва Искандар посёлка Советининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди. Хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Колхоз клуб биносини ремонт қилиш учун маблағ ажратиб, ремонт ишларини бошлаб юборди».

БИР САВОЛИМИЗ БОР

Корхонамиз коллективи етти йилликнинг учинчи йили топшириғини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашаяпти. Цех, смена ва бригадаларнинг коллективлари ўртасида партиямизнинг XXII съезди шарафига социалистик мусобақа тобора кучаймоқда. Ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлаш, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун интиляпти. Айни вақтда бизнинг янада унумли ишлашимиз учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берилиши лозим. Бироқ, бу соҳадаги аҳвол талабга жавоб бермайди.

Ишчи ва хизматчилар завод ошхонасини кейинги вақтда «орқада қолган цех» деб атайдиган бўлишди. Бунинг сабаби шундан иборатки, ошхонада тайёрланаётган таомларнинг хили кам, сифати ёмон. Қачон қараманг, «Меню»да борш, нўхот шўрва, макарондан тайёрланган, вермишель ва нўхот гарнирли яна бир-икки хил таомдан бошқа нарса бўлмайди.

Киши бир хил таомни ҳар куни еяверса, у ҳанчалик яхши тайёрланган, ҳанчалик мазали бўлмасин, барибир кўнгилга тегар экан. Бордию, шу бир хил таом ҳам ёмон тайёрланса, уни бир марта еган кишининг кўнгли иккинчи марта тортмас экан. Завод ошхонасидаги овқатлар ниҳоятда кам ҳафсалалик билан тайёрлангани сабабли унда ҳеч қандай лаззат йўқ.

Ошхонада илгари палов, манти ва лағмон каби миллий таомлар тайёрланар эди. Кейинги ойларда эса бу барҳам еди.

Бунинг устига санитария-гигиена қоидаларига мутлақо риоя қилинмайди. Овқат сузиладиган идишлар, қошиқ-вилка ва стаканлар тоза ювилмайди, артилмайди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, иш билан овора бўлиб, овқатланишга сал кечроқ чиқсангиз, аталага ўхшаш боршч ва котлетдан бошқа ҳеч нарса топмайсиз. Кечки сменада ишловчилар ҳам бу ҳақда шикоят қилишаяпти. Чунки кечаси ошхонада фақат бир хил суюқ ва бир хил қуюқ овқат тайёрланади, холос.

«Узбексельмаш» заводининг ишчилар комитети, унинг маданий-маиший комиссияси, ошхона мудири Любезнов, бош повар Лапшова ва умумий овқатланиш устидан назорат олиб борувчи врач Сатурян ўртоқлар нима билан шуғулланишаяпти? Улар бу саволга жавоб беришсин?

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ, инженер. Ғ. ХОЛМАТОВ — 3-цех темирчиси. С. ХОЛМАТОВ — 1-цех механиги. М. СОАТОВ — технолог. А. ГАРАШЧЕНКО — инженер.

„Колхоз қишлоғи кишилари“

Шу кунларда Москвада, СССР Рассомлар союзининг виставка залида намойиш қилинаётган кўргазма ана шундай деб номланган. СССР Рассомлар союзи томонидан ташкил этилган кўргазма экспозициясидан қишлоқ хўжалик илғорлари ҳаёти ва меҳнат фаолияти акс эттирилган ўнлаб полотно ва картиналар, графика ва скульптура асарлари ўрин олган.

Бу асарлар — иттифоқчи республикалар рассомлари ва ҳайкалтарошларининг янги ижодий маҳсулидир. Москва, Ленинград, Олмаота шаҳарларининг ижодкорлари қатори тошкентлик рассомларнинг асарлари ҳам ана шу кўргазмада кенг намойиш қилинаяпти.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бел боғлаган миришкор пахтакорлар, азамат механизаторлар, фидокор чўпонларнинг самарали меҳнат фаолиятини тараннум этувчи картиналар, тамошабинларга манзур бўлаяпти. Рассом Аҳмедовнинг «Далада ҳам солдатдек...» деган асари, Иноғомов. Саидов ўртоқларнинг меҳр билан чизган жозибадор расмлари ҳам катта қизиқиш билан тамоша қилинмоқда.

Виставка экспонатлари кейинчалик мамлакатимиздаги бошқа йирик шаҳарларда ҳам кўрсатилади.

Ж. ҚОРАБОЕВ.

КПСС XXII съезди ва ЎзКомпартия XVI съезди шарафига

ЧОПИҚ ТРАКТОРЛАРИНИНГ ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК!

ҲОСИЛДОРЛИК ЯНАДА ОШАДИ

Ўртоқ Эгам Саидқулов бошлиқ бригада аъзолари бир неча йиллардан буён пахтадан юқори ҳосил етиштириб келадилар. Улар ўтган йили ҳам яхши натижаларни қўлга киритган эдилар. Ҳар гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» етиштирилди. Она-Ватанга топширилган ҳосилнинг асосий қисми аъло сортларда қабул қилинди.

Бригада аъзолари ўз муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бу йил ғайрат камарини маҳкам боғладилар. Эрта кўкламданоқ 80 гектар ерга чигит қадалди. Ўсимлик ердан униб чиқиши билан парваришга киришилди. Натижада кўп ўтмай, далаларни яшил квадратлар қоплади. Шу кунларда бригада аъзолари ҳар туп ғўзанинг нормал ривожланиши учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасини ишга солмоқдалар. У. Мирзааҳмедов, М. Алиқулов ва М. Тўрақулов сингари сувчилар ўсимликни қондириб суғоришяпти.

Ўртоқ С. Ҳусанов эса янада зўр ғайрат билан меҳнат қилаяпти. Бу механизатор ғўза қатор ораларига ишлов бераётганида ишнинг сифатига зўр эътибор бермоқда.

— Механизаторлар учун енг шимариб ишлайдиган долзарб кунлар етиб келди. Бу йил бригадамиз аъзолари, — дейди ўртоқ С. Ҳусанов, — гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз деб ваъда берганлар. Бунда биз механизаторларнинг зиммамизга ҳам масъулиятли вазифа юклатилади. Ғўзалар ниҳоят мурғак. Эҳтиёт бўлинмаса, машина шикаст етказади. Натижада тупидан ютқазган бўламиз. Шу сабабли ҳам мен бирор туп ўсимликнинг нобуд бўлишига йўл қўймайман. Ахир, куз палласидаги тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонларимизнинг тақдири мана шу мурғак ўсимликларга боғлиқ.

Ғўзалар тобора яшнаяпти, шона чиқараяпти. Қараб кўзинг қамашади. Бу Пискент районидаги «Пискент» совхозининг 4-бўлимидаги ўртоқ Э. Саидқулов бошлиқ бригадага қарашли далалардир.

Э. УСМОНОВ.



Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг 6-бригадаси аъзолари ғўза парваришини сифатли ўтказиб, мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Суратда: ғўзани культивация қилиш пайти.

М. Шевелев фотоси.

МИРИШКОР МАККАЖЎХОРИКОР

— Юракда бир касбга ҳавас уйғондими, бас, шу касбни тезроқ эгаллашга ошиқаркансан киши, — бу сўзларни Мастура тез-тез такрорлашга одатланган. У ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ деққончиликка қизиқабошлади. Мана Мастуранинг хаётида ажойиб дамлар ҳам етиб келди. Унга етуклик аттестати топширишди. Колхоз правлениеси идроки баланд бу қизнинг шу ерда қолиб ишлашга аҳд қилиб ёзган аризасини гоят қувонч билан қабул қилди.

Мастура уч йил давомида сабзавот экинлари етиштиришда фидокорлик кўрсатиб ишлади, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Колхозда «дала маликаси» эканлиги билан парваришга киришилди. Мастура ўзига топширилган бу масъулиятли вазифани бекаму-кўст бажариш учун астойдил ишлади. Унинг меҳнати зое кетмади. 1960 йили звенода 30 гектар ердаги маккажўхоризорнинг ҳар гектаридан 980 центнердан силосбоп кўкноя олинди.

Ўз сўзининг устидан чиқишга одатланган қиз етти йилликнинг учинчи йилида ҳам ўлкан ютуқларни қўлга киргизишни орзу қилди. Звено маккажўхорикорлари 25 гектар ердаги маккажўхоризордан 1300 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.

Шу кунларда Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг 2-далачилик бригадасида меҳнат қилаётган ўртоқ Мастура Миржалилова бошлиқ звено маккажўхорикорларининг ҳузурида бўлган киши уларнинг фидокорликларини кўриб беҳад қувонади. Звенонинг маккажўхорилари мавж уриб ривожланаётир.

— Мен, — дейди Мастура,— бу йилги ҳосилни йиғиштириб олгач, механизация мактабига кириб ўқимоқчиман. Келгуси йили маккажўхорини экишдан то йиғиб олишгача бўлган ишларни машиналар ёрдамида бажарамиз.

П. НИШОНОВ,
О. ИСКАНДАРОВ.

СИФАТСИЗ ИШ—КЎЗБЎЯМАЧИЛИКДИР

Далаларни кезиб юрганда йўл бўйларида ғарам-ғарам уюлиб ётган ёввойи ўт илдизларини кўрасиз. Чунки бу йил «Оққўрғон» совхози коллективи чигит экишдан олдин ёввойи ўт илдизларидан 1200 тонна териб олиб ерларни тозалашибди. Бу тадбир бизга маъқул бўлди. Оққўрғон районида ва «Оққўрғон» совхозида бу каби яхши ишларни яна топиш, санаб ўтиш мумкин. Лекин Самарқанд областидан келган мусобақадошларнинг асл мақсади шундай яхши тадбирларни бирма-бир санаб, бевақт мақтаб кетишдан иборат эмас. Ҳозир мақташга ва мақтанишга вақт эрта. Яхшиси қилинмаган ишлар, қўлга киритилмаган ютуқлар, қатор-қатор камчиликлар ва кам-кўстлар ҳақида гапириб, шуларнинг ўрнини тўлдириш учун кураш бошлаш яхши бўлади.

Биз Оққўрғон районидаги колхоз, совхозларда бўлдик. Назаримизда бу районга хос энг жиддий камчилик мавжуд техника воситаларининг қувватидан тўла фойдаланилмаётганидир.

Нима учун шундай? Чунки деярлик ҳамма тракторларга ўрнатилиши лозим ва мумкин бўлган иш органларининг лоақал ярми ҳам қўйилмаган. Кўп тракторлар бир вақтда бир неча хил ишни бажараоладиган ҳолга келтириб ишлатилмаётир.

«Оққўрғон» совхозининг 7-бўлимидаги ўртоқ Шодиев бошлиқ бригадада Олим Рихсибоев бошқараётган трактор бир вақтда ғўзани культивация қилиб, ўғитлаб ва сув қўйишга эгат олиб кетаяпти. Бироқ бу яхши ташаббус кенг оммалаштирилмаган. Шу совхознинг ўзида ҳам ва райондаги бошқа колхозларда ҳам бир вақтда уч хил иш қилаётган тракторларни жуда кам учратдик.

Кўпчилик тракторларнинг иш органлари тўла миқдорда эмас. Борлари ҳам ўтмас, ишдан чиқиб қолган. Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Карим Мавлонов бошлиқ бригадасида фойдаланилаётган универсал мутлақо ишлашга лойиқ эмас. Тракторчи ўртоқ Қўшали Жумалиев иш органларининг ярмини ҳам универсалга қўймаган. Бунинг устига ерни юмшатиб кетадиган гозпанжасининг ярмидан кўпи ейилиб кетган ва жуда ўтмас бўлиб қолган. Шунинг учун уни тракторга осиш ёки осмасликнинг мутлақо аҳамияти қолмаган. Бу тракторга ўт ўлдиришга, нам сақлаб қолишга ёрдам бериши мумкин бўлган пичоқ ўрнатилмаган. Уни ўрнатиш учун трактордa зарур деталлар ҳам йўқ. Бу хилдаги чўлтоқ тракторларнинг иш унуми ҳам, сифати ҳам ҳеч кимни қаноатлантира олмайди.

«Оққўрғон» совхозининг 6-бўлимидаги ўртоқ Ҳайитқулов бригадасида тракторчи ўртоқ Малик Ҳошимов кам деганда 20-22 та ўрнига тракторга бор-йўғи 6 та иш органи ўрнатиб ишлатаяпти. Бу трактор билан биз борганда ғўзага ўғит солинаётган экан. 4 қатор ўрнига икки қатордаги ғўза озиқлантирилаяпти. Орадаги икки қатор эса қолиб кетяпти. Колхоз ва совхозларда дала ишлари қизиб кетган ҳозирги пайтда мавжуд техникадан бу хилда фойдаланиш, тракторларнинг бундай унумсиз ишлашига йўл қўйиш сира кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Шу кунларда ғўза парваришининг сифатсиз ва наридан-бери ўтказилиши кўзбўямачиликдан ва алдамчиликдан бўлак нарса эмас. Масалан, биз Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Маҳмуд Абдукаримов бошлиқ бригадасида бир тўда колхозчилар кетмон чопири қилишаётганини кўрдик. Бригада бошлиғи билан табелчи Қўшматов одамлар олдида белини ушлаб туришибди. Лекин қилинаётган чопиқнинг сифати текширилганда мутлақо ғўза туплари бўшатилмагани, наридан-бери кетмон уриб кетилгани маълум бўлди. Шундай чопиқни бригадир билан табелчи қабул қилиб олганлар. Биз бу ишни брак қилиб, бўлган харажатларни табелчи билан бригадирнинг бўйнига ёзишни колхоз правлениесидан илтимос қилдик.

Колхозларда трактор билан бир неча хил ишни бир вақтда ўтказишга сира аҳамият берилмаётир. Масалан, культивация қилиш билан бир вақтда ғўзани ўғитлаб кетиш мақсадга мувофиқ ишдир. Баъзи колхозларда иш шу хилда уюштирилмаган. Чунончи, Ворошилов номли колхозда 1500 гектар пахта майдонининг ҳаммаси узунасига, 1346 гектари кўндаланигига культивация қилинган ҳолда бор-йўғи 642 гектар ердаги ғўза озиқлантирилган. Демак, бу колхозда трактор билан бир вақтда бир неча хил ишни бажаришга бўладиган сарф-харажатларни камайтиришга эътибор берилмаган.

Юқоридаги каби фактларни бошқа колхозларда ҳам учратиш мумкин. «Ленинобод» колхозининг ўртоқ Бекир Безгенов бошлиқ бригадасида 130 гектардаги ғўза культивация қилиниб, суғориб қўйилган. Лекин бу ердаги ғўзаларга бир грамм ҳам ўғит берилмаган.

Айрим ерларда ғўза яганаси орқага суриб юборилмоқда. Баъзи ерларда ягана қилинмаган ерлар суғоришга тайёрлаб қўйилган бўлса, баъзи ерларда аллақачон суғориб қўйилган. Бундай ҳолни Ворошилов номли колхознинг Мустафо Аҳмедов, Карим Мавлонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида учратдик. Айниқса Мустафо Аҳмедов бошлиқ бригадада ғўзанинг ашаддий душмани бўлган зарпечакка қарши мутлақо кураш олиб борилмаганидан айрим карталарни ёппасига зарпечак босиб кетган. Бу бригадада ғўзани суғориш ишлари ҳам қониқарли эмас, янтоқ, зарпечак остида кўринмай кетган 30 гектарли янги ўзлаштирилган ердаги ғўзага сув қўйилган.

Худойберди Тўрақулов туппа-тузук соғлом одам кўринади. У уч йилдан бери касалман деган баҳона билан ишламай юрар экан. Уни биз томорқадан топдик. Суриштирсак, «касалман, бригадирнинг қўлида справкам бор» деди. Бу справкада уч кун тумов бўлгани кўрсатилган. Лекин у ҳамон касалман деб юрибди. Колхоз правлениеси мана шундай мугомбирларга қарши кескин кураш олиб бормаган.

9-бригадада Пардош Ҳолназаров деган киши хотини билан томорқада ишлаб юрибди. Маълум бўлишича у магазинчи, унинг Алимкентда 6 сотих ҳовлиси, бу ерда эса 15 сотих томорқаси бор экан. Лекин у колхозда битта ҳам меҳнат қилмаган. Шунга қарамай у колхознинг еридан, сувидан фойдаланар экан. Колхоз уставига хилоф бундай ҳаракатларга зарба берилмаган.

Бу районда бизни бир нарса жуда хурсанд қилди. Биз «Ленинобод», Ворошилов номли колхозларда текшириш ўтказаётган вақтимизда бизнинг талабларимизни эшитиб баъзи колхозларда тракторларга етишмаган иш органларини осишга киришилган. Биз ўйлаймизки, оққўрғонлик ўртоқлар бошқа камчиликларни ҳам худди шу хилда тез бартараф қилиш учун курашадилар ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашни кучайтириб юборадилар.

Р. ШОДМОНОВ,
Каттақўрғон район партия комитетининг секретари.

М. ШАЛОМОВИЧ,
Самарқанд область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТАЖРИБАКОРЛАРИМИЗНИНГ АЙТГАНЛАРИ

МАШИНА ТЕРИМИГА ҲОЗИРДАН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозида комплекс механизациялашган бир бригада бор. Бунга ёш коммунист ўртоқ Алман АЛИМҚУЛОВ бошчилик қилади. У билан суҳбатлашиб қолсангиз, аввало машина теримига пухта ҳозирлик кўриш керак деб қайта-қайта уқтиради.

— Машинада пахта тераман десангиз, — дейди у, — ерга чигит ташланмасдан аввалоқ кузни бир ўйлаб олинг. Баъзи деҳқонлар пахта очилгандан кейин машина теримини ўйлайдилар. Бу кулгили гап. Биз ўтган йили 100 гектар ернинг ҳаммасини машинабоп қилиб ўстирдик. 80 процентдан ортиқроқ ҳосилни машинада тердик. Бу йил 190 гектар ёримиз бор. Ҳосилнинг 85 процентини машинада терамиз. Хўш, бу катта ишга қандай тайёрланаяпмиз?

Дастлаб ерни экишга сифатли тайёрладик. Унда нормал нам сақладик. Шундай қилмасак, чигит бир варакайига униб чиқмас эди. Ҳозир кўчатни текислаб олдик. Бу машина терими соҳасидаги биринчи ютуғимиз. Энди ғўзаларнинг олдинма-кейин бўлиб қолмаслигини таъминлаймиз Борди-ю, бир картанинг ўзида ривожланиши суст-роқ жойлар бўлса, алоҳида парвариш қилиб меёрига етказиб оламиз. Бундан ташқари ҳамма карталарда озиқлантириш, суғориш, культивация ишларини ўз вақтида сифатли ўтказамиз. Пахта териш машиналарини барвақт ремонт қилиб қўямиз. Ана шу йўл билан машина теримига пухта ҳозирлик кўрамиз.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

МИКРОЎҒИТЛАРДАН ПАХТАЧИЛИКДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Ўғитларнинг бир тури — микроўғитлардан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш зарур. Бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар унинг пахтачиликда муҳим ўринни эгаллашини аниқлади.

Микроўғитларнинг асосини микроэлементлар ташкил этади. Бу кимёвий элементлар ўсимлик ва ҳайвон организмида юздан бир, мингдан бир ва ундан ҳам кам процентни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам улар микроэлементлар деб аталади, уларнинг тузларини эса микроўғитлар дейилади.

Кейинги йилларда микроэлементларнинг фандаги роли айниқса ортиб бормоқда. Ўсимлик ва ҳайвон организмида оз миқдорда тарқалган микроэлементлар: марганец, бўр, мис, рух, молибден, кобальт ва бошқаларсиз ўсимлик ва ҳайвон органлари яшаши мумкин эмаслиги илмий-текширишлар натижасида маълум бўлди.

Микроэлементлар ўсимликнинг сифатини яхшилашга ва ҳосилини оширишга, ўсимлик баргида содир бўладиган фотосинтез процессини тезлаштиришга, ўсимлик ички ҳужайраларининг тезликда бўлишига таъсир қилади. Ўсимлик баргида ва барча органларда қандлар, оқсиллар, витаминлар ва хлорофил моддаларининг тез ва кўп миқдорда тўпланишига ёрдам беради. Микроэлементларни ўсимлик организмига сингдиришнинг бир неча усуллари бор. Масалан, уларни тупроққа қўшиб, ўсимлик тагига солиш, микроэлементларнинг туз ҳолидаги бирикмаларини сувда эритиб, бу эритмани ўсимлик уруғига 8—10 соат шиддириш микроэлементларни ўсимликка унинг барги орқали бериш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси институти билан Тупроқшунослик институтида микроэлементлардан пахтачиликда фойдаланиш устида бир неча йилдан буён илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишда пахтани микроўғитлар билан озиқлантирилганда қайси бир усул яхши натижа беришини мақсад қилиб қўйилган эди.

Тажриба ишлари кичикроқ участкада ўстирилган 108-Ф навли пахта устида олиб борилди. Ғўза шоналаш, гуллаш ва кўсакнинг очилиши даврларида микроэлементлар тузларининг сувдаги эритмаларини пуркагич машина орқали ғўза баргига 3 марта пуркалиб, озиқлантирилди.

Биз ғўзани барги орқали озиқлантирганимизда, микроэлементларнинг ҳар хил комбинацияларда, яъни мис билан кобальт, рух, бўр билан марганец, молибден ва бошқа комбинацияларда аралаштириб ҳам бердик. Бу пахта ҳосилини бир неча марта оширди ва сифатини яхшилади.

Ҳар гектар ердаги ғўзага тупроқнинг таркиби ва сифатига қараб 2 килограммдан то 4 килограммгача миқдорда микроэлементлар берилди. Натижада микроэлементлар ғўзанинг турли органларида турли миқдорда йиғилиши маълум бўлди. Ҳар бир микроэлементни ғўза ўзига керакли миқдорда ўзлаштириши ҳам аниқланди.

Республикамиз рангдор металл рудаларига бойдир.

Кейинги йилларда Оҳангарон водисининг юқори қисмида бир неча полиметалл конлари топилган. Оҳангарон водиси яқин келажакда республикамизнинг йирик индустриал райони бўлиб қолади. Полиметаллардан кўплаб микроўғитлар тайёрлаш келгусида Совет Ўзбекистонида пахтанинг ҳосилдорлигини янада ошириш ва сифатини яхшилашга катта ёрдам беради.

Ғўзани барги орқали микроўғитлар билан озиқлантириш учун шу микроэлементларнинг нишонли атомларидан тажрибада фойдаландик. Кобальт, молибден ва мисни ишлатилганда пахтанинг ҳосилини оширибгина қолмай, балки унинг 5—7 кун илгари пишишини ҳам таъминлаш мумкин. Бундан ташқари, ғўза муддатидан 4—6 кун илгари шоналайди, гулга киради.

Микроэлементлардан марганец, бўр, рух, кобальт, молибден ва миснинг ғўза ўсимлигида етишмаслиги натижасида баъзан шоналарнинг тўкилиши ва ҳосилнинг камайиб кетиши ҳам илмий асосда аниқланди.

Микроэлементлар билан озиқланган ғўза туплари мустаҳкам бўлади. Бу эса пахта териш машиналарининг унумли ишлашига ёрдам беради. Ҳиндистон олимларининг илмий ишларидан бизга маълумки, микроэлементлар ғўзанинг вилт касаллигига қарши курашишда ҳам асосий омиллардан биридир.

Ғўзани тупроқ орқали ёки бошқа усуллар ёрдамида микроўғитлар билан озиқлантирганимизда уларнинг таъсир кучи ҳатто 2-3 йилгача етиши маълум бўлди.

Бу илмий ишларнинг натижалари колхоз ишлаб чиқаришига ҳам татбиқ этилди. 1958 йилда Юқори Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг 100 гектар ерига чигитни микроўғитлар билан аралаштириб 60х60 схемасида квадрат-уялаб экилди. Натижада бу усулда экилган чигит, микроўғитлар билан аралаштирилмай экилган чигитга қараганда 2-3 кун илгари униб чиқди. Микроўғитларнинг ғўзага таъсири вегетация даврининг бошларидаёқ ёрқин сезила бошланди. Бундан ташқари, ғўзанинг ўсиши ва ташқи кўриниши яхшилана борди. **Микроўғитлар билан аралаштириб экилган чигитдан униб чиққан ғўзалар 8 кун илгарироқ пишди. Ҳосилдорлик эса ҳар гектар ерга 3 центнердан то 4,4 центнергача ошди.**

Бу йил эса Янгийўл районидаги Сталин номли колхозда тажриба ўтказмоқдамиз. 100 гектар ерга 60х50 схемасида квадрат-уялаб чигит экдик. Унга марганец, мис, кобальт ва бўр аралаштирилди. Ҳозир бу участкадаги ғўзалар микроўғит берилмаган ғўза тупларидан тамомила фарқ қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу усул қардош республикаларда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Озарбайжонда икки-уч йиллардан бери чигитга микроўғитлар қўшиб экилади. Буларнинг ҳаммаси микроўғитлардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачиликни янада ривожлантиришдаги муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатди.

А. ЕҚУБОВ,
тупроқ микроэлементлари лабораториясининг мудири, қимё фанлари кандидати.

ЁШ ПАРРАНДАЛАРНИ КОКЦИДИОЗ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАЙЛИК

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Колхоз ва совхозларда паррандачиликни тез ривожлантириш ғўшт етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим шарт-шароитларидан биридир. Афсуски, Тошкент областида чорвачиликнинг бу тармоғини ривожлантириш жуда суст бормоқда, ёш паррандалар ҳаддан ташқари кўп нобуд бўлаётир. Областдаги колхоз ва совхозлар ҳар йили инкубациядан 1 миллиондан ортиқ жўжа оладилар. Аммо, уларга қараш ва боқишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳамда турли касалликлар туфайли ёш паррандаларнинг 30 — 40 проценти, айрим хўжаликларда эса ундан ҳам кўпроқ қисми нобуд бўлмоқда.

Етти йилликнинг учинчи йилида областдаги колхоз ва совхозлар 2.5 миллион бош паррандани боқиб ўстиришга қарор қилдилар. Бу эса парранда гўшти етиштиришни 1000 тоннагача ва тухум етиштиришни 19 миллион донага қадар кўпайтириш имконини беради. Бу вазифани бажариш учун паррандаларга қараш, уларни асраш ва боқишни кескин равишда яхшилаш ҳамда касалликларнинг олдини олиш зарур.

Кокцидиоз касаллиги паррандачиликка энг кўп зарар келтирадиган юқумли касаллик бўлиб, 7 кунликдан 4 ойликка қадар бўлган ёш паррандалар ўртасида, айниқса, кўп тарқалгандир. Бу касалликни кокцидийлар деб аталувчи бир ҳужайрали организмлар келтириб чиқаради. Кокцидиоз касали билан оғриган парранда касал тарқатувчи манба бўлади. Чунки унинг организмида юқумли микроблар сақланиб қолади.

Кокцидий микроблари паррандани организмидан ахлатга қўшилиб, ташқарига чиқади. Соғ паррандаларга эса бу касаллик овқат ва ичимли сув орқали юқади. Одатда ёш паррандаларни катта паррандалар билан бирга сақлаганда, ёки уларни илгари касал паррандалар сақланган бино ва майдончаларга ҳайдаб қўйилган тақдирда, касаллик ёппасига ҳуруж билан бошланади.

Касалликнинг микроблари турли асбоб ва буюмлар: белкуракла р, қуракчалар, супургилар, сувдон, овқат идишларига илашиб, шунингдек, озуқа, сув, кўк ўт, сабзавотларга аралашиб, ферма ходимларининг кийим ва пойафзалларига ёпишиб, паррандачилик фермасига кириб қолиши мумкин.

Бино ва майдончаларнинг тор, нам ва ифлос бўлиши, паррандаларнинг яхши озиқлантирилмаслиги натижасида паррандаларга ёппасига касал юқиши ва кўплаб нобуд бўлиши мумкин. Агар жўжаларни ёмғир сувлари қуримаган, сувдонларнинг атрофи зах бўлиб ётган майдончаларга ҳайдаб қўйилса, кокцидиоз, айниқса, катта зарар келтиради. Ёш паррандалар кокцидиоз касалидан 50 — 70 процентга қадар нобуд бўлиши мумкин.

Касал юққан жўжалар бўшашиб, шалвираб қолади, бошқалардан ажралиб, ғуж бўлиб олишади, қанотлари осилган, кўзлари юмуқ ёки чала юмуқ ҳолда тик туришади, ёхуд ҳурпайиб, чўқайиб олишади, патлари ҳурпайган, гандираклаб юрадиган бўлиб қолади. Ниҳоят, палажланиш юз беради. Парранда бошини чўзиб, ёнбошлаб ётади. Касаллик вақтида парранданинг ичидан қон ўтади.

Жўжаларни катта паррандалардан алоҳида сақлаш касалликнинг олдини олишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Паррандаларнинг ҳар квадрат метр жойга тўғри келадиган сони белгиланган нормадан ошмаслиги керак. Бинолар нинг ичи ва паррандалар ҳайдаб қўйиладиган майдончалар қуруқ ҳамда тоза бўлиши лозим. Шу билан бирга, паррандаларни витамин ва минерал озуқалар аралаштирилган яхши овқатлар билан боқиш зарур.

Овқат ва сувни ифлослантирмаслик учун махсус охурча ва сувдонлардан фойдаланиш лозим. Овқат идишлари, паррандачиларнинг асбоблари ҳар 5 — 7 кунда бир марта кавшарлайдиган лампа алангаси ёки қайноқ сув билан тозалаб турилади.

Жўжалар уч кунлик бўлгач, уларнинг овқат рационига мингта жўжага 0,5 — 1 грамм тўғри келадиган миқдорда антибиотиклар (биомицин, пенициллин) қўшиш ва уни 20 кунга қадар суткасига бир марта бериб бориш лозим. Шунингдек, жўжаларга овқат билан бирга қўшиб, биостимулятор ҳам едириш керак. Жўжалар 15 кунлик бўлган вақтдан бошлаб кокцидиозга қарши махсус препаратларни қўлланиш тавсия этилади.

Профилактика ва даволаш мақсадида осарсол, фталазол, акрихин, альбаргин, фенотиозин, натрий норсульфазоли, синтомицин, фразолидон ва бошқа химикатларни қўлланиш мумкин. Уларни фақат ветеринария ходимининг кўрсатмаси билангина танлаш ва қўлланишга йўл қўйилади.

Н. БЕЛОУСОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ветврач.

Уста пахтакор даласида

ЧИНОЗ. Коммунист Холмат ака Беков «Коммунизм» колхозида бир неча йилларда буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Бу йил бригадада 61 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Юқори агротехника қоидалари асосида ерга қадалган чигитлар хатосиз униб чиқди. Шу кунларда бригада далаларида бўлсангиз, сифатли парвариш қилинаётган ям-яшил квадратлардаги дуркун ғўзаларни кўриб завқланасиз.

Т. ИМОМОВ.

Бўка район матлубот жамиятига қарашли ёрдамчи хўжаликнинг ўрдак фермасида кўплаб парранда боқилиб, гўштга топширилмоқда. Суратда: паррандачилик фермаси.

М. Шевелев фотоси.

БУТУН ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН Ж. КЕННЕДИНИНГ УЧРАШУВИНИ ОРЗИҚИБ КУТМОҚДА ❁ *Совет ҳукумат делегацияси Кореяда* ❁ Биринчи совет космонавти Гагарин Швецияга боради ❁ Жиноятчилар жазоланди ❁ Иғвогарликка чек қўйилсин

ИККИ БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ЭТИЛГАН ФИКРЛАР

Ҳамма мамлакатларнинг жамоатчилиги СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан Венада бўладиган учрашувини қизғин табриклямоқда.

АВСТРИЯ

Тинчлик тарафдорларининг Австрия кенгаши мурожаат эълон қилиб, икки буюк давлат бошлиқларининг Венада бўладиган учрашувини табриклади. Ҳамма мамлакатларнинг тинчликсевар халқлари, дейилади мурожаатда, музокаралар олиб бориш кераклигини қатъий талаб қилмоқдалар. Улар «совуқ урушга хотима беришни, қуролли жанжаллар бошланиб кетишига йўл қўймасликни талаб этаётирлар. Ҳозирги вақтда бундай мўъжизаларни шунинг учун ҳам айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқдаки, кейинги ойларда жаҳоннинг турли қисмларида бир неча марта хатарли ҳолатлар рўй берди, бундай хатарли ҳолатлар ҳарбий техника тараққиётининг ҳозирги даражасида ҳалокатга олиб келиши мумкин. Бундай ҳалокатнинг вайрон қилувчи оқибатлари нақадар мудҳиш бўлишини олдиндан айтишнинг ўзи ҳам қийин гап.

Тинчлик тарафдорларининг Австрия кенгаши икки буюк давлат раҳбар арбобларининг учрашуви учун Вена шаҳри танлаб олинганлигини айниқса табриклайди. Биз, дейилади мурожаатда, буни халқаро турмушда Австриянинг ҳозирги замон шароитида ўйнаши мумкин бўлган роли эътироф қилинганлигини кўрсатувчи факт деб биламиз. Икки давлат арбобининг учрашуви бу учрашув муҳим халқаро проблемаларни, аввало, қуролсизланиш проблемасини ҳал қилиш йўлида кўзланган муҳим қадам бўлади ва шу тариқа халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам беради, деган умид туғдирмоқда.

ИНДОНЕЗИЯ

Индонезия миллий партияси нинг бош раиси Али Састроамижойо «Индонезия демократик ёшлари» ташкилоти вакилларининг мажлисида нутқ сўзлаб, Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннединнинг учрашуви бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ва инсониятнинг равнакини таъминлаш мақсадида икки буюк давлатнинг ўзаро муносабатини тубдан ўзгартиради, деб умид билдирди.

Индонезия олий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари министр Абдулгани Совет Иттифоқидан қайтиб борганидан кейин сўзлаган гапида, Н. С. Хрушчев билан Кеннединнинг учрашуви жаҳоннинг тақдири учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади ва бу учрашув тинчлик иши учун, ҳеч шубҳасиз, фойдали бўлади, деди. Ҳозир совет халқи, деди Абдулгани, жадал қурилиш ишлари билан банд. СССРда дўстлик ва тинчликсеварлик вазияти ҳукмрон.

Тинчлик тарафдорлари Индонезия миллий комитети томонидан Н. С. Хрушчевга ва Ж. Кеннедига юборилган телеграммаларда айтилдики, тинчликсевар бутун индонез халқи СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Кеннединнинг учрашувини мамнуният билан кутмоқда. Бу учрашув энг муҳим халқаро порблемаларни ҳал қилиш — «совуқ урушни» ва мустамлакачиликни тугатиш, ялпи ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш, турли социал системаларнинг тинч-тотув яшашига эришиш, жаҳондаги ҳозирги вазият талабларига мувофиқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қайта ташкил этиш соҳасида яхши иш бошлаб беради, деб умид қиламиз.

ВЕНЕСУЭЛА

Венесуэладаги турли сиёсий партияларнинг ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Венада АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашуви бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун кенг истиқбол очиб беради, деб яқдиллик билан қайд қилмоқдалар.

Депутатлар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси депутат-коммунист Эдуардо Мачадо бундай деди: «Жаҳоннинг ҳамма халқлари Венадаги учрашув муҳим халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлида қўйилган самарали қадам бўлади, деб умид қилмоқдалар».

Сўллар революцион ҳаракатининг раҳбари депутат Хорхе Дагер бундай деди: «Латин Америкасининг халқлари, жумладан, венесуэлаликлар ҳам Хрушчевнинг Кеннеди билан учрашуви тинч-тотув яшашни ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди, деб умидвордирлар».

«Демократик ҳаракат» партиясининг аъзоси, депутатлар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг раиси Сесар Рондон Ловера бундай деди: «Совет бош министрининг Қўшма Штатлар президенти билан учрашуви янги урушни истамаётган жаҳон халқлари учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Латин Америкаси халқлари ва халқ демократик ҳаракатлар халқаро кескинлик Венадаги учрашув натижасида юмшади, деган хабарни зўр мамнуният билан кутиб олган бўлур эдилар».

«Республика-демократик иттифоқ»нинг раҳбари ва Венесуэла меҳнаткашлари конфедерацияси раҳбарлигининг аъзоси депутат Висенте Пинате бундай деди: «Кам тараққий этган мамлакатларнинг халқлари Хрушчевнинг Кеннеди билан учрашуви тинчлик учун курашни мустаҳкамлашга ва Қўшма Штатларнинг Латин Америкаси халқларига нисбатан агрессив сиёсатини ўзгартишга ёрдам беради, деган умидлидирлар».

Венесуэла журналистлар уюшмасининг раиси Ана Луиса Льоверa хоним. Венесуэла журналистлари Венадаги учрашув халқаро кескинликни юмшатишга олиб келишини истайдилар, деди. «Бу учрашув, — деди Льовера, — менда тинчлик бўлади. Икки буюк давлат ҳамжиҳат бўлиб қолади ва тинч мусобақа авж олиб кетади, деган катта умидлар туғдирмоқда».

ЯПОНИЯ

Атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳаракати умумяпон кенгашининг раиси, Ленин тинчлик мукофотининг лауреати Каору Ясуи Япониядаги СССР элчиси Н. Т. Федоренко ҳузурига келиб, Венада бўладиган учрашув муносабати билан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга ёзилган мактубни элчига топширди.

Америка Қўшма Штатларининг президенти билан бўладиган учрашув сабабли сиз жаноб олийларини, дейилади мактубда, атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳаракати умумяпон кенгашининг раиси сифатида ўз номимдан ва кенгаш номидан қутлаш шарафига муяссарман.

Бутун жаҳон жамоатчилигининг эътибори шу учрашув билан банд бўлиб турган бир пайтда, биз Япония тинчликсевар халқининг бутун дунё халклари билан бирликда Венадаги бу учрашувдан кутган катъий истагини сиз жаноб олийларига маълум қилмоқчимиз. Бутун дунё халқлари билан бирликда Японияннинг тинчликсевар халки Венадаги бу учрашув ёппасига, батамом ва контроллик остида ўтказиладиган қуролсизланишни тезроқ амалга оширмоқ учун йўл очиб берсин ва бундай қуролсизланишни муваффақиятли амалга ошириш йўлида биринчи қадам тариқасида ядро қуролининг ҳамма турдаги синовларини батамом тақиқлаш тўғрисидаги битим имзолансин деб талаб қилади».

ПОЛЬША

Бутун дунё меҳнаткашлари каби поляк халки ҳам икки буюк давлат бошлиқларининг учрашуви асосий халқаро масалалар устида, шу жумладан Германия проблемасини ва Ғарбий Берлин масаласини тинч ҳал қилиш соҳасида бирмунча келиш ишини бошлаб бериши мумкин деб умид қилмоқда. Венада учрашув ўтказишга қарор қилинганлигининг ўзи, деб ёзади «Жице Варшави» газетаси, тинч-тотув яшаш жуда зарур бўлиб қолганлигидан далолат беради.

(ТАСС).

ИСРОИЛ КОМПАРТИЯСИНИНГ XIV СЪЕЗДИ

ТЕЛЬ-АВИВ, 1 июнь. (ТАСС). Кеча кечқурун Тель-Авивда Исроил Коммунистик партиясининг XIV съезди очилди. Съездда 300 делегат ва 1.200 меҳмон қатнашмоқда. Съезд кун тартибида Компартия Марказий Комитетининг ҳисобот доклади, Марказий контроль комиссиясининг ҳисоботи, партия уставидаги ўзгаришлар ҳамда раҳбар органларни сайлаш сингари масалалар турибди.

Исроил Коммунистик партиясининг бош секретари Микунис Марказий Комитетнинг ҳисобот докладини қилди. Докладчи халқаро аҳволнинг баъзи масалаларига тўхталиб ўтди ва мамлакатнинг ички аҳволини ҳамда унинг ташқи сиёсатини таҳлил қилди.

ЖИНОЯТЧИЛАРГА НИСБАТАН МУРУВВАТЛИ ҲУКМ

ПАРИЖ, 1 июнь. (ТАСС). 22 апрелда Жазоирда ҳарбий фашистик исён кўтарган собиқ генераллар Шаль ва Зеллер иши юзасидан Олий ҳарбий трибунал ҳукм чиқарди. Шаль ва Зеллер ҳар қайсиси 15 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Франция жамоатчилиги мамлакатни ҳақиқатда граждан уруши ёқасига келтириб қўйган исён бошлиқлари устидан шунчалик мурувватли ҳукм чиқарилганлигини таажжубланиб қарши олди. Ҳарбий трибунал республиканинг бош прокурори давлатга қарши жиноят қилган бу шахсларни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилишни талаб этганига қарамай, шундай қарор қабул қилди.

ДЕ ГОЛЛЬ БИЛАН КЕННЕДИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ПАРИЖ, 1 июнь. (ТАСС). Франция президенти де Голль ва расмий визит билан бу ерга келган АҚШ президенти Кеннеди ўртасидаги музокаралар Елисей саройида бугун эрталаб яна давом эттирилди.

ТРУХИЛЬО ЎЛДИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 июнь. (ТАСС) Чет эл агентликларининг Доминикан радиосининг хабарларига асосланиб билдиришларича, Доминикан республикасида 31 йил давомида диктаторлик қилиб келган Рафаэль Леонидас Трухильо ўлдирилган.

Ўлдириш тафсилотлари хабар қилинмайди.

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ КОРЕЯДА БЎЛИШИ

ПХЕНЬЯН, 1 июнь. (ТАСС). Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бугун Корея Меҳнат партияси ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати раҳбарлари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда корейс томонидан Ким Ир Сен, Цой Ен Ген, Ким Ир, Пак Ден Ай, Пак Ким Чер, Ким Чан Ман ҳамда партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбар арбоблари ҳозир бўлдилар.

Ю. А. Гагарин Швецияга таклиф қилинди

СТОКГОЛЬМ, 1 июнь. (ТАСС). «Элмиа-61» деган Европа саноат ва қишлоқ хўжалик виставкасининг дирекцияси виставкада қатнашувчи 14 европа мамлакати номидан жаҳонда биринчи космонавт Ю. А. Гагаринни Швецияга келишга ва, жумладан, Енчепинг шаҳрини ҳам келиб кўришга таклиф этди. Виставка шу йил 25 майдан 4 июнгача Швециянинг Енчепинг шаҳрида ўтказилмоқда.

Бу ташаббус виставкамиздаги ҳамма кишилар томонидан қўллаб-қувватланди, деди дирекция вакили Г. Берг ТАСС мухбирига.

Бўстонлиқ районининг Товоқсой посёлкасидаги Киров номли 7-мактабнинг ёш ўлкашунослари тоғларга саёҳатга чиқиб турадилар. Яқинда улар Сойлиқ ва Оқтош тоғларидаги ўрмонларда бўлиб қизиқ нарсаларни ўрганиб қайтишди Суратда: ёш ўлкашунослар Оқтошнинг қалин дарахтзорлари орасида туриб жойнинг топографик картасини чизишмоқда.

О. Левак фотоси.

ЭРТАГА МОТОКРОСС

Эртага Бектемир қишлоғида «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш ленинчи» газеталарининг мукофоти учун традицион мотокросс бўлади. Эрталаб соат 9 да турли спорт клубларининг юзга яқин энг кучли спортчилари старт чизиғига саф тортадилар. Улар қариб 6 соат давомида команда ва шахсий биринчилик учун бутун кучларини сарфлаб, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатишга бел боғлайдилар.

Мотокроссга тайёргарлик ишлари тугалланди. Мотоциклчилар мусобақа ўтказиладиган трасса билан танишдилар, ана шу трассада бир неча кун мобайнида машқ қилдилар. Машқлар мусобақанинг катта кураш вазиятида ўтажагини кўрсатди.

Кеча кечқурун республика автомото клубида судьяларнинг йиғилиши бўлди. Йиғилишда трасса йўллари муҳокама қилинди ва тасдиқланди, мусобақада қатнашадиган командалар ва мотоциклчиларнинг рўйхати текширишдан ўтказилди.

Мотоцикл спортнинг ишқивозлари эртага Бектемир қишлоғини тўлдириб юборадилар. Ишқивозлар бу ерда катта спорт қурашини тамоша қилиш билан бирга қуюқ дарахтзорлар орасидаги кўмкўк майсазорда ҳордиқ чиқарадилар. Ошхона, чойхона барчаси шу куни тамошабинларга хизмат қилади.

КАТТА ЮТУҚЛАР ТЎЛАНМОҚДА

Кейинги кунларда областимизнинг омонат кассаларига Давлат 3 процентли ютуқлар заёми ва пул-буюм лотереяси билетларига чиқиқан ютуқларни олиш учун нўплаб меҳнаткашлар келиб турибди. Ютуқлар турли касб эгалари — ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчилар, студентлар ва бошқаларга чиққан.

Булар орасида Янгийўл шаҳрида турувчи студент Иўлдош Ҳасанбоев яқинда жуда ҳам қувонинга тўлди. У 30 тийинлик лотерея билетига «Волга» енгил автомашинаси ютиб олди. Оржоникидзе районидаги 1-совхоз ишчиси Маъмур Ҳасановга эса давлат 3 процентли ички ютуқлар заёмидан катта ютуқ чиқди. Унинг қўлидаги заёмнинг 20 сўмлик облигациясига 79-тиражда 2500 сўм ютуқ чиқибди. Хомиджон Ҳайдаров (Куйи Чирчиқ райони) лотерея туфайли иккита машина (битта қўл машина, битта оёқ машина ютди. Бунинг устига хотинини хурсанд қилган шоҳи чойшабни айтмайсизми? Бир оила бир вақтнинг ўзида лотереядан ана шундай учта ютуқни қўлга киритди.

Рангли металлургия шаҳри бўлган Олмалиқ меҳнаткашлари ҳам, Чирчиқ кимёгарлари ва машинасозлари ҳам, Бекобод металлурглари ҳам омонат кассаларидан нўплаб ютуқ пуллари олиб кетмоқдалар. Буни шу фактнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, кейинги 3 ой ичида Тошкент область омонат кассалари меҳнаткашларга Давлат 3 процентли заёми ва пул-буюм лотереяларига чиққан 200 минг сўмга яқин ютуқ пулини тўладилар.

Гражданлар, заём ва лотерея билетларини сотиб олингиз! Бу ўзингизга ҳам, давлатга ҳам фойдалидир.

К. РАСУЛЕВ,
давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити область бошқармасининг бошлиғи.

Телевизор экранида

3 ИЮНДА

18.30. Сань Маонинг саргузаштлари (янги қўғирчоқ фильми).

19.30. Хореография билим юртининг ҳисобот концерти (Алишер Навоий номли опера ва балет театридан), танаффус вақтида-телевизион янгиликлар.

21.00. Қадрли тийин (мультипликацион фильм).

21.20. Кун янгиликлари (киножурнал) ва Кўр музикачи номли бадиий фильм.

22.45. Концерт (Халқ талантлари ижросида).

ТОШКЕНТНИНГ *тамоша заллари*да

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VI кеч соат 7 да, 4/VI эрталаб соат 11 да **Хореография билим юртининг ҳисобот концертлари**, 4/VI да кечқурун **Кармен**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3, 4/VI да **Мирзо Улуғбек**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 3, 4/VI кеч соат 7 яримда **Ўзбекистон давлат филармонияси солистлари концерти**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — КПСС XXII съезди олдидан — 3/VI да кундуз соат 4 дан, 4/VI да эрталаб соат 10 дан **Халқ талантлари байрами**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Сокин юлдуз — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ярим, кеч 8 ва 10 да).

Халқ уйғонмоқда — «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (эрталаб соат 11, кундуз 2 ва кеч 5 да), «ИСКРА» (кеч 9 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 6 дан).

Ҳаёт остонасида — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Дуэль — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК (тоқ соатларда).

Бася жанжали — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 6 гача), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Халқ уйғонмоқда — «ВАТАН», ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9 дан), КАФАНОВ номли (кеч 9 яримдан), ПУШКИН номли (кеч 8-50 минутда).

Дуэль — НАВОИЙ номли (кеч соат 9-10 ва 10-50 минутда), ПУШКИН номли (кеч 10-45 минутда).

Ҳаёт остонасида — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10-50 минутда).

Бася жанжали — ПУШКИН номли (кеч соат 8-50 минутда), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 11 да).

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

ҚУЙИДАГИ КИНОПОВЕСТЛАРНИ ЧИҚАРАДИ:

Разведкачининг жасорати

Сценарий авторлари — **М. Блейман, К. Исаев, М. Маклярский.**
Постановкачи режиссёр — **Б. Барнет.**
Оператор — **Д. Демуцкий.**
Ролларда:
П. Кадочников, В. Добровольский, А. Бучма, Д. Милютенко, С. Мартинсон, Е. Измайлова, Б. Барнетлар қатнашади.
Фильмни Киев бадиий фильмлар киностудияси ишлаган.

Репетиция давом этмоқда

Сценарий авторлари — **Иржи Фрид, Ян Кадар, Эльмар Клос.**
Режиссёр — **Ярослав Балик.**
Оператор — **Рудольф Сталь.**
Ролларда:
Иван Палец, Зденек Штепанек, Мартин Ружек, Отта Скленчка, Ирена Качиркова, Мириам Гинкова, Лябуша Гавелкова, Мирослав Гомола, Геда Марковалар қатнашади.
Фильмни Чехословакиянинг «Баррандов» киностудияси ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Ўлик жонлар

Н. В. Гоголь поэмаси асосида ишланган.
Сценарийни ишлаб чиқувчи ва постановкачи — **Л. Трауберг.**
Оператор — **К. Бровин.**
Бош ролларда:
М. Горький номли Москва Бадий академик театр артистлари **В. В. Белокуров, В. Я. Станицин, Б. Н. Ливанов, А. Н. Грибов, А. П. Зубова, Б. Я. Петкер, Ю. Л. Леонидов** ва бошқалар қатнашади.
Фильмни «Мосфильм» киностудияси ишлаган.

ТОШКЕНТ ВИНО ЗАВОДИ
ремонт муносабати билан ҳозирдан 5 августгача мулдатда
углекислий газ
ИШЛАБ ЧИҚАРМАЙДИ ВА БЕРМАЙДИ.

Қизилтут кўчаси, 76-уйда турувчи **Тўхтамурод Муталовнинг** Қизилтовуш кўчаси Учғунча тупик, 9-уйда турувчи Маҳфуза Ризаева-Муталовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Жар кўчаси, 5-тупик, 8-уйда турувчи **Хатима Кашаровна Габдурахмонованинг** Чувалачи кўчаси, 1-тупик, 1-уйда турувчи Комил Абдурахманович Габдурахмановдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

ИҒВОГАРЛИКЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

ХАНОЙ, 1 июнь. (ТАСС). Кеча «Лаос овози» радиостанцияси яна Фуми Носаван-Бун Ум группасини ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги буйруқни бир неча марта бузишда ҳамда король ҳукумати ва Нео Лао Хак Сат партияси қўшинларига тухмат қилишда яна айблади.

Вьетнам информация агентлигининг билдиришича, радиостанция қуйидаги фактларни хабар қилган:

25 майда Фуми Носаван-Бун Ум қўшинлари король ҳукумати ва Нео Лао Хак Сат партияси контроли остидаги Бан-Ванга (Луан-Прабан вилоятида Муонг-Хан дан 15 километр ғарби-жанубда) ҳужум қилдилар. Улар ватанпарвар қўшинларининг беш солдатини ўлдирдилар.

26 майда Фуми Носаван-Бун Ум қўшинлари Фаланда (Саваннакет вилояти) ватанпарвар қўшинларнинг контроли остидаги Нонг-Буа, Банкенг-Панао, Бан-Нонг-Пон, Бунг-Сан ва Наленгга ҳужум қилдилар. Маҳаллий аҳолидан кўп кишни ўлдирилди.

Ўша куннёқ Американинг «АТ-6» самолётлари Сиенг-Куанг вилоятининг ғарби-жанубий қисмида Лаос король армияси ва Нео Лао Хак Сат партияси қўшинларининг позицияларини ўққа тутдилар.

27 майда Фуми Носаван-Бун Ум қўшинларининг бир батальони ҳарбий тайёргарлик кўриш учун Чепондаги аэродромдан Таиландга жўнаб кетди.

Радиостанция ўт очишни тўхтатиш шартларининг исёнчилар томонидан бузилганлиги тўғрисида бошқа фактларни ҳам хабар қилди.

Жанубий Вьетнамнинг Фуми Носаван-Бун Ум қўшинлари белгиси қўйилган ҳарбий автомашиналари жуда кўп марта чегарадан ўтиб, Жанубий Вьетнамдан Хуой-Санга қурол-яроғ етказиб берди.

«Лаос овози» радиостанцияси Фуми Носаван-Бун Ум группасининг ўт очишни тўхтатиш шартларини бу хил бузишларига ва иғвогарликларига хотима беришни талаб қилади, акс ҳолда бунинг оқибатлари учун жавобгарлик шу группа устига тушади.

Е. А. ФУРЦЕВА ИСЛАНДИЯГА ЖУНАБ КЕТДИ

Исландия маданият ва савдо министрининг таклифига биноан СССР маданият министри Е. А. Фурцева 2 июнда Исландияга учиб кетди. (ТАСС).

ФЕЛЬЕТОН

ОШ БЎЛСА-Ю, ИШ БЎЛМАСА...

Мулла Ҳакимжон домланинг ишлари бугун баравж бўлди. Ўз «амбулатория»сида ўтириб олиб, ўн чоғли беморни қабул қилди. Ҳамроева Ойнисага эзиб ички, Расулева Раъногa тумор, Жаҳонгирова Шарифага «иссиқ-совуқ» ёзилган қоғоз қилиб берди. Сўнг тушган пулларни санаб, пинакка кетди. Хонага домланинг рафиқаси Нурхон опа кирди.

— Нега бекор ўтирибсиз? — жеркиб деди аёл.

Домла чўчиб тушди ва шошиб-пишиб «ваалайкум ассалом» деб юборди. Сўнг ўзини босиб:

— Пул санаяпман, — деб қўйди.

— Неча сўм тушибди?

— 110 сўм, анув кизини ҳам пулга чақсак, 200 сўм...

Шу пайт қўнғироқ жиринглаб қолди. Домланинг рухсати билан хонага Янгийўл районининг Свердлов номли колхозидан келган Ҳасан Усмонов кириб келди.

— Хизмат?

— Хотинимни мендан совутиб берсангиз, тақсир?

— Қани пулни чиқар!

Йигит 20 сўм узатди.

— Бу оз, яна!

Йигит яна 10 сўм чиқарди. Домла кўзларини юмиб, пичирлаб нималарнидир ўқиди. Қоғозга алла нарсани ёзиб, йигитга узатди:

— Тумор қилиб қўлтиғингга тақиб ол. Хотинингга бўш келма, иложи бўлса калтаклаб тур.

Орадан бир кун ўтгач, домланинг ҳужрасига кўп йиғлаганидан қовоқлари шишиб кетган ёш болали жувон кириб келди.

— Исминг нима?

— Ҳадича...

— Қаердансан?

— Янгийўл районининг Свердлов номли колхозиданман, тақсир. Эрим Ҳасан Усмонов менга иситиб бермасангиз деб келдим. Ҳар куни уради, азоблайди, жавобингни бераман дейди. 4 фарзандимиз етим бўлиб қолмасин деб келдим, ёрдам беринг, жон тақсир...

— Неча сўм берасан?

— Чўрингиз бўлай, жон тақсир...

— Пулни чиқар деяпман, — жеркиб берди домла.

Аёл 20 сўм узатди. Кечагина «хотинингни сендан совутиб бераман» деб эридан пул олган домла, энди аёлдан «эрингни иситиб бераман» деб пул олди. Лекин орадан бир неча кун ўтгач, Ҳадичанинг бошига оғир кулфатлар тушди. Домла Ҳасан билан Раъно исмли қизни яширинча «никоҳ»дан ўтказди...

Ўрта Чирчиқ районининг Сталин номли колхозида истиқомат қилиб, бутун районга «дами ўткир» деб танилган Ҳакимжон домланинг қиёфаси ана шундай. У, пулни кўрган жойида ўз виждонини бемалол сотаверади. Ана шу одам даволайман деб соғларни касал қилди, касалларни эса... қўйинг уёгини айтмай қўяқолайлик. Ҳакимжон домла ҳеч кимни даволаш қўлидан келмаслигини ўзи яхши тушунади. Ҳатто ўзи ёки оила аъзоларидан бирон киши касал бўлиб қолса, дарҳол докторга югуради.

— Хўш, унда нега духонликни тўхтатмайсиз? — сўрадик ундан.

— Нима қилай меҳнатга ярамасам, бола-чақани боқиш керак-ку, — деди домла.

— Хотинингиз, қизингиз, ўғлингиз-чи? Улар ишласа бўлмайди-ми?

—...

Домла дудуқланиб қолди. Бу одам кўпларнинг ҳаётини хавф остида қолдиргани учун, даволайман деб соғ кишиларни заҳарлаб қўйгани учун 3-4 бор қамалган. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, ҳамон кишиларни алдашни давом эттириб келмоқда. Бу жиҳатдан у Сирдарё район Сирдарё посёлкасининг Крупская кўчасида истиқомат қилувчи «Катта духон» Аминжон хўжа Бахтхўжаевга жуда ўхшаб кетади. У, ҳали 30 ёшга ҳам борган эмас, лекин кишиларнинг юрагига ваҳима солиш учун бўлса керак, соқол қўйиб юборган. Ўзи эса гирт саводсиз, на араб алифбесини, на лотин алифбесини ўқий олади, алиф деса таёқни кўрсатадиганлардан. У, ўзини духон деб эълон қилгандан бери бирон кишини даволагани йўқ. Лекин жуда кўп кишиларнинг ҳаётини хавф остида қолдирди. Велико-Алексеевская станциясида яшовчи Ҳадича опа ҳасрат қилиб қолди:

— Духон бўлмай кетсин, нақ бўлмаса бошқалар қатори мени ҳам ўлдириб қўяёзди. Юрагим оғриб шифо топармиканман деб борган эдим, оқ товуқ буюрди. Сўйиб гўштини еб олгач, қора товуқ келтир деди, бунинг ҳам гўштини паққос туширгач, 20 сўм пул сўради. Пулни ҳам бердим. Лекин аҳволим ўзгармади, дардим кучайиб кетди. Докторга борган эдим, кўр ичак бўлган эканман, операция қилди. Сал кун ўтмай, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетдим. Касал бошқа томонда экан-у, домла бўлса пешонамга дам солиб юрибди. Йўқ, бу духон эмас, баайни жаллоднинг ўзи...

Ўтакетган жоҳил бўлган Аминжонхўжа меҳнат қилишга ярамайман деган баҳона билан духонлик қилмоқда.

— Духон бўлсангиз нега аввал ўзингизни даволаб олмадингиз? — сўрадик ундан.

— Энди... Ҳалиги... Хўш... — чайналиб деди Аминжонхўжа.

Кўриниб турибдики, сирдарёлик Аминжонхўжа Бахтхўжаев ҳам, ўртачирчиқлик Ҳакимжон домла Ғофуржонов ҳам, ош бўлса-ю, иш бўлмаса қабилида ҳаёт кечиришга, тушунчаси қолоқ бўлган баъзи бир кишилар ҳисобига яшашга ўрганиб қолган текинхўрлардир. Жамоатчиликнинг ғазабланишига қарамай, бу иш билан шуғулланиши зарур бўлган баъзи бир район раҳбарлари туя кўрдингми йўқ, деб ўзларини панага олиб юрибдилар. Ваҳоланки, бу текинхўрларнинг танобини аллақачон тортиб қўйиш зарур эди.

Т. КАРИМОВ,
Х. ХУДОЙҚУЛОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01615. Нашр. В. 1609.